1 МАР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 52 (20. 619) • 1990 йил 2 март, жума • Баҳоси 3 тийин.

...ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИГА, АЙНИҚСА, КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАНАДИ. АХИР, СИЗЛАР ХАЛҚНИНГ МУХТОР ВАКИЛЛАРИСИЗ. 70 МИНГДАН ОРТИҚ ДЕПУТАТ ЧАҚАНА КУЧ ЭМАС. ЭНДИ ҲАР БИР ВИЛОЯТ ВА ШАҲАРДА, РАЙОН ВА ҚИШЛОҚДА ҲОКИМИЯТ СИЗЛАРНИКИ. БИРИНЧИ ҚАДАМЛАРИНГИЗ ХОСИЯТЛИ БЎЛСИН!

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР, область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари халқ депутатларига Мурожаатидан)

М. С. Горбачев Ж. Буш билан телефон орқали гаплашди

Жорж Буш билан М. С. Горбачев мунтазам фикрлашув доирасида 28 февраль куни телефон орқали суҳбатлашдилар. Айрим долзарб халқаро масалалар, жумладан Никарагуада яқинда бўлиб ўтган сайлов якунлари муносабати билан вужудга келган аҳвол, Европа хавфсизлиги муаммолари, шунингдек унинг Германияга оид жиҳати муҳокама қилинди. Олий даражадаги Совет—Америка учрашувига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам тилга олинди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

28 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Тошкент давлат медицина институти партия комитетининг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.

Институтнинг бошланғич партия ташкилоти кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, мутахассислар тайёрлаш сифатига суст таъсир ўтказаётганлиги айтиб ўтилди. Партия ташкилоти таълим-тарбия жараёнини тубдан ўзгартириш учун, саканиб қолаётган эскича ёндашувларга, бепарволикка, ошна-оғайнигарчилик ва камчиликларга муросасозликка қарши курашга коммунистларнинг, ўқитувчилар ва студентлар орасидаги барча соғлом кучларнинг куч-ғайратини бирлаштира олмади.

Ўқитувчиларнинг касб маҳорати йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст оширилмоқда, ўқитиш мазмуни ва шакллари секинлик билан янгиланмоқда. Замонавий методик қўлланмалар ва ўқув-илмий адабиётлар, айниқса ўзбек тилидаги шундай қўлланмалр ва адабиётлар ғоят етишмайди. Студентлар якка тартибдаги ўқув планлари асосида тайёргарликдан ўтказилмаяпти. Кабинетлар ва лабораториялларнинг жиҳозланиши норматив талабларнинг 60 фоизини ташкил этади, асбоб-ускуналарнинг учдан икки қисми маънавий эскирган ва ишдан чиққан.

Ўқув жараёнини ташкил этишдаги нуқсонлар партия ташкилотида ҳар томонлама таҳлил этилмади ва бу нарса амалий ишлар учун асос бўлмади. Коммунистларнинг йиғилишларида, партия комитетининг мажлисларида муаммолар умумий, аниқ-равшан бўлмаган шаклда муҳокама қилинади, ўз-ўзини танқид етишмайди, шунингдек ректорат фаолиятидаги жиддий камчиликларга принципиал баҳо берилмайди.

Партия комитети раҳбар ва илмий-педагог кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга суст таъсир ўтказмоқда, бу эса салбий тенденцияларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Ўқитувчиларнинг ўртача ёши ошиб бормоқда, кафедра мудирлари орасида пенсия ёшидаги кишилар улуши қарийб 40 фоизни ташкил этмоқда. Институтда 40 ёшгача бўлган бирон ҳам доктор тайёрланмади, фақат ҳар 9 фан номзодидан бирига 30 ёшдан 40 ёшгача бўлган кишилардир. Айни пайтда институтда ишлаб турган фан докторларининг ярмидан кўпроғи аспирантларга илмий раҳбарлик қилмайдилар, тармоқ аспирантурасига мутахассислар-ни қабул қилиш плани бажарилмаяпти, энг истеъдодли ёш олимларни чет эллларга ва мамлакатнинг етакчи марказларига стажировкага юбориш имкониятлари изланмаяпти.

Партком фаолиятида ошна-оғайнигарчиликка, уруғаймоқчиликка, бошқа салбий ҳолатларга қарши курашда ҳужумкорлик етишмайди. Олий ўқув юртига ўтказишда, ишга жойлаштиришда, раҳбарлик лавозимларига кўтаришда қоидани бузиш ҳоллари аниқланди. Танлаб текширув ўтказилган чоғда биринчи курс талабалари 62 фоизининг билим даражаси кириш имтиҳонларини ва жорий имтиҳонларни топшириш пайтидагидан паст эканлигини кўрсатди. Бу эса институтга қабул қилишдаги ҳийла-найранглар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тушган кўпдан-кўп шикоятларнинг асосли эканлигини қисман тасдиқлайди.

Тарбиявий ишларнинг таркиб топган шакллари, ижтимоий фанларни ўқитиш даражаси студентларда қайта қуриш жараёнларини тўғри англашни шакллантиришга, уларни ижтимоий аҳамиятга молик ишларга жалб этишга кўмаклашмайди. Институтда студентлар учун ягона сиёсий кунлар ўтказишнинг, уларда миллатлараро мулоқотнинг юксак маданиятини, маънавий ва гражданлик фазилатларини тарбиялашнинг муайян системаси таркиб топмаган.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Тошкент давлат медицина институти муаммоларига жуда кам эътибор бермоқда. Министрлик студентлар тайёрлаш сифатини назорат қилмаяпти, илм-фанни ривожлантиришга, институтнинг моддий базасини мустаҳкамлашга кам маблағ ажратмоқда. Аудиториялар фонди тақчиллиги 43 минг квадрат метрни ташкил этади. Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент давлат медицина институти моддий базасини яхшилашга оид 1980 йил 28 майда чиқарган 387-сон қарори амалда бажарилмай қолди, планлаштирилган 50 та объектдан атиги 15 таси ишга туширилди.

Қабул қилинган қарорда Тошкент давлат медицина институти партия комитетининг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Партком секретари Ўртоқ А. Ш. Воисов, партком аъзоси, ректор ўртоқ Н. Х. Шомирзаев мавжуд камчиликларга нисбатан муросасозлик қилганликлари, институтнинг турмуш фаолияти барча жиҳатларини қатъиян янгилашга, олий мактабни қайта қуришнинг асосий йўналишларини рўёбга чиқаришга коммунистларнинг куч-ғайратини бирлаштира олмаганликлари таъқидланди. Институт партия комитетига ректорат билан биргаликда ўқув жараёнини яхшилашга, институт коллективида ижодкорлик, ўзаро талабчанлик, юксак уюшқоқлик ва интизом вазиятини вужудга келтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси юклатилди. Институтнинг барча бўлинмалари учун истеъдодли ёшларни қидириб топиш ва танлаш, фан номзодлари ва докторларини планли асосда тайёрлаш, раҳбар кадрлар, энг аввало, кафедра мудирлари лавозимларига ёш мутахассисларни кўтариш зарур, деб таъкидланди қарорда. Медицина кадрларини тайёрлаш борасида Иттифоқ ва халқаро миқёсдаги ҳамкорликни кенгайтириш, СССР ҳамда чет мамлакатлар олий ўқув юртлари билан бевосита алоқа ўрнатиш йўллари фаол қидириб топилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ТошМИнинг моддий-техникавий базасини ривожлантириш юзасидан 1980 йилда қабул қилинган ўз қарори бажарилмаганлиги сабабларини таҳлил этиш, Тошкент шаҳридаги медицина шаҳарчасини комплекс равишда қуришни тугаллаш, унинг социал базасини ривожлантиришга оид тадбирларни белгилаш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига (ўртоқ С. М. Баҳромов) институтни бошқариш структурасини қайта кўриб чиқиш, ТошМИ фаолиятининг барча жиҳатлари устидан мунтазам амалий назоратни йўлга қўйиш, етилган муаммоларни ҳал этишда унга ёрдам бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Тошкент шаҳар партия комитетига, Ҳамза район партия комитетига олий ўқув юрти фаолиятида йўл қўйилган нуқсонлар учун институт раҳбар коммунистларининг шахсий партиявий жавобгарлигини аниқлаш вазифасини топширди.

Бюро мажлисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасуловнинг Бўка районидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида область партия ташкилоти кўраётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ижтимоий-сиёсий тусдаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ДЕПУТАТЛАР — ИШБОШИ

Кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг янги сайланган халқ депутатларига Мурожаати эълон қилинди. У кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Қуйида ушбу Мурожаат юзасидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

БИЗ ҲАМ БИРЛАШАЙЛИК

Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташвишини қалбдан ҳис қилиб турибман. Жуда тўғри. Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади.

Мен боғча мудирасиман. Боғчамизнинг номи «Бойчечак». Унда колхоз меҳнаткашларининг болалари тарбияланадилар. 5—6 йил олдин бизда шундай имконият бормиди? Бошқа соҳаларни ҳам олайлик. Назаримда, ҳамма жабҳада жиддий илгарилаш бўляпти. Талабни қўйиш осон, уни бажариш учун имконият, вақт ва куч керак.

Ҳозир эркинлик, ошкоралик даври деймиз. Бу имкониятни суиистеъмол қилмаслик керак. Ошкоралик деб ҳар биримиз хоҳлаган томонга тортаверсак, бунинг оқибати нима бўлади? Қилаётган ишимиз фойдали бўлса-ю, майли, аммо у бирлигимизга, дўстлигимизга путур етказса, миллатлар ўртасига нифоқ солса, бундан даҳшатлиси йўқ.

Мен колхоздаги Ҳуниддин Эшмўминов бошлиқ бригадада цех партия ташкилоти котибиман. Ўн бир нафар коммунистимиз бор. Мурожаатни улар билан бирга ўқиб чиқдик. Улар менга «Бу жанжаллар, бўлар-бўлмас талаблар дастурхонимизни мўл-кўл қилармикан, қайта қуришни тезлаштирармикан?» — дейишди. Мен уларга йўқ деб жавоб бердим.

Менинг таклифим аниқ: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурига зид ҳар қандай ҳаракатни тўхтатиб қўйиш учун биз, депутатлар бутун чора-тадбирларни ишга солмоғимиз лозим.

Ш. НОРБОЕВА,
Сурхондарё вилояти Ангор районидаги К. Маркс номли колхознинг «Бойчечак» болалар боғчаси мудираси, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

ИШОНЧ

Жумҳуриятимиз олий ҳокимиятига сайланганлар орасида Йўлдошхон Бурхонов ҳам бор. У Андижон область 123-Калинин, сайлов округидан халқ депутати бўлди.

Бундай ишонч ўз-ўзидан келмади. Ташаббускорлиги, фидокорона меҳнати, ҳамкасблар қалбини тушуна билиши туфайли у ҳурмат қозонди. Йўлдошхонни ёшлар устози сифатида ҳам яхши билишади. Иш вақти тугагач, мураббийни ёшлар қуршаб олишади: касб сирларига оид саволлар беришади. Моҳир ҳайдовчи шундай пайтда ўз тажрибасини муфассал ҳикоя қилишга интилади.

Депутатликка ўз номзодини қўйганда Й. Бурхонов катта масъулиятни ҳис этди. Сайловолди дастурини пухта ўйлади. Унинг ҳар бир бандини ҳамкасблари турмушидаги муаммоларни ҳал этишга бағишлади.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика халқ депутатларига Мурожаати мени ҳам янада жонбозлик кўрсатишга чорлаяпти,— дейди Й. Бурхонов. — Мурожаатда бажариладиган ишлар аниқ-равшан белгиланган. Биз депутатлар Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури ҳамда Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Халқнинг мухтор вакили сифатида наказларни бажаришга киришдим. Шу кунларда маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашмоқдаман. Ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларни ҳамжиҳатликда кўриб чиқаётирмиз. Эл ишончини оқлаш ана шунда деб биламан.

Суратда: (чапдан ўнгга): 2508-автоколонна ҳайдовчиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Й. Бурхонов, автоколонна касаба союз комитети раиси Ҳ. Мадраҳимов ва «Узавтострой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бошлиғи А. Имомбердиев ўзаро мулоқотда.

Р. АШУРОВ сурати (ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР МАШВАРАТИ

СССР Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг 28 февраль куни бўлиб ўтган ялпи йиғилишида оммавий ахборот воситаларининг қайта қуришдаги роли ҳақида гаплашиб олинди. СССР Журналистлар уюшмасининг раҳбарияти тўғрисидаги ва уюшманинг VII съездини чақириш ҳақидаги масалалар кун тартибига қўйилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатда давом этаётган ўзгаришлар СССР Журналистлар уюшмасининг ўзига унчалик таъсир қилмаганлиги ҳайратланарли бир ҳолдир. Мамлакатдаги бир қанча журналистлар ташкилотлари уюшманинг раҳбар муассасалари ишига нисбатан қилган жиддий эътирозлари натижасида СССР Журналистлар уюшмасининг президиумига ва ҳайъатига ишонч тўғрисидаги масала ўртага қўйилди. Ялпи мажлис қатнашчилари муноза-радан кейин раҳбар муассасаларнинг ваколатларини кўпчилик овоз билан тасдиқладилар. В. Г. Афанасьевнинг шахсий илтимосига кўра, у СССР Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг раиси вазифасидан озод қилинди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев нутқ сўзлади. У ҳозирги шароитда ва хусусан партия XXVIII съездига тайёргарлик даврида оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган вазифаларга батафсил тўхталди.

Мажлис қатнашчилари «Известия» газетасининг бош муҳаррири, СССР халқ депутати И. Д. Лаптевни СССР Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг раиси қилиб сайладилар.

Иккинчи масала юзасидан СССР Журналистлар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари И. А. Зубков сўзга чиқди. Уюшманинг кўпгина бўғинларида туб ўзгаришлар қилиш зарурати эндлик билан ҳал этилиши лозим бўлган хилма-хил вазифаларни ўртага қўймоқда, деди у. Шу боисдан мамлакат журналистларининг съездини ташкилот низомида кўзда тутилган муддатларни кутмай, шу йил ўтказиш зарур бўлиб қолди.

«Советская Россия» газетасининг бош муҳаррири В. В. Чикин РСФСР Журналистлар уюшмасини тузиш ғояси ҳақида гапириб берди. Бир қанча область ва ўлка ташкилотлари шу уюшмани тузишни таклиф қилган эдилар. Унинг маълум қилишича, ишчи гуруҳ тузилган, бу гуруҳ янги ташкилотнинг низомини ишлаб чиқиши, Россия журналистларининг таъсис съездини тайёрлаши лозим. СССР халқ депутати М. Н. Полторанин Матбуот тўғрисидаги Қонун лойиҳаси устида олиб борилаётган иш ҳақида ахборот берди.

Ялпи мажлис қатнашчилари СССР Журналистлар уюшмасининг VII съездини шу йил июль ойининг охири — август ойининг бошларида чақиришга қарор қилдилар ва унда уюшмани тубдан янгилашнинг асосий йўналишларини ва янги низомни муҳокама қилишни тавсия этдилар. Съездга делегатлар вакиллиги нормалари белгиланди. Делегатларни кўрсатиш ва сайлаш тартибини белгилаш маҳаллий журналистлар ташкилотларига ҳавола этилди.

Ялпи мажлисда СССР Журналистлар уюшмасининг баёноти қабул қилинди. Баёнотда расмий шахслар томонидан ёки митинг демократияси деб аталган тадбирлар томонидан асоссиз хуруж ва таъқибларга дучор бўлаётган журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатъият билан қўллаб-қувватланиши билдирилган. СССР Журналистлар уюшмаси газеталар, журналлар, радио ва телевидение ходимларини қатъият билан ҳимоя қилиб, шу мақсадда маълум бўлган ҳамма қонуний воситалардан фойдаланади. КПСС Марказий Комитети Идеология бўлими мудирининг ўринбосари Г. В. Прахин СССР Журналистлар уюшмаси нашриётчилик фаолиятининг, оммавий ахборот воситалари ходимларини социал жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларнинг иш ҳақи баъзи масалалари хусусида гапирди.

(ТАСС).

• Долзарб мавзуда

ДАРАХТ ЎЗИ КЎКАРМАЙДИ

У ПАРВАРИШГА, ИНСОН МЕҲРИГА МУҲТОЖ

Утган ойда матбуотда «Мевали ва манзарали ниҳоллар экиш, токзорлар ва ўрмонлар барпо этиш икки ойлигига бағишланган кенгаш қатнашчиларининг Ўзбекистон аҳолисига Мурожаатномаси» эълон қилинган эди. Хўш, пойтахтимизда бунга жавобан қандай ишлар қилинмоқда! Мухбиримиз Р. Шодиев нинг шу мазмундаги саволларига Тошкент шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. ОХУНЖОНОВ қуйидагича жавоб қайтарди:

— Бошқармамиз ва унга қарашли район ташкилотлари бу ишга астойдил киришдилар. Шу йил 374,5 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилади, аниқроғи шаҳар районларининг 11 жойида мевали боғ яратилади.

— **Кечирасиз, шаҳарда сўнгги ўн йил ичида қурилиш авж олиб кетди. Бунинг оқибатида жуда кўп дарахтлар кесиб ташланди. Яратилажак боғлар тақдири яна 5-6 йилдан кейин...**

— Тушундим. Масаланинг шу томони ўйланган. Режамиз шаҳар ва районлардаги архитекторлар билан маслаҳатлашилган ҳолда ишлаб чиқилган. Ишонч билан айтишим мумкинки, мевали боғлар барпо этилган ерларда қурилиш бўлмайди. Мақсадимиз — манзарали ҳамда мевали дарахтларни кўпайтириш билан шаҳар экологияси мувозанатини яхшилаш, унинг кўркига кўрк қўшиш, одамлар ҳордиқ чиқарадиган маскан яратиш ва ҳўл мевани сал бўлсада, кўпайтиришдан иборат.

— **Ҳар йили юзлаб дарахт кўчатлари ўтқазилди, деб ҳисобот берилади. Агар рақамларда кўрсатилган дарахтлар кўкарганида эди, пойтахт катта ўрмон ичида қоларди.**

— Тўғри, илгарилари дарахт кўчати ўтқазилгани ҳисобга олинарди-ю, парвариш билан ҳеч ким қизиқмасди. Энди ҳар бир ниҳолнинг илдиз олиб, кўкка бўй чўзиши учун барча чораларни кўрамиз. Биринчи навбатда кўчатлар суғориш мумкин бўлган жойлар ёки сув борадиган ариқлар атрофига экилади. Парваришга район ташкилотлари ходимлари жавоб беришади. Дарахт ўз ўзидан кўкариб кетмаслиги аён. У қаровга, сувга, қолаверса, инсон меҳрига муҳтож. Шу туфайли ходимларимизнинг масъулиятини ошириб, уларни рағбатлантириш йўлларини излаяпмиз. Фурсатдан фойдаланиб айтиш керакки, студент ва мактаб ўқувчилари бизнинг энг яқин кўмакдошларимиз бўлишлари керак. Ҳар бир талаба ўз ўқув масканлари атрофида бир дона ниҳол экиб, парвариш қилса, нур устига аъло нур бўларди.

Қадимда баҳор ойларида халқимиз ҳеч қандай буйруқларсиз, мурожаатсиз ўзлари яшаб турган уй атроф ларини тозалаб, дов-дарахтлар экканлар, ободончилик ишларини амалга оширганлар. Негадир шаҳримизда сўнгги йилларда азалий удумимиз йўқолиб боряпти. Назаримда ёшларнинг меҳнатга, табиатга муносабатини қатъий ўзгартириш лозим. Ҳар йили маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида ҳашарлар уюштириш, гул ва дарахт кўчатлари ўтқазиш анъанага айланиб қолиши керак. Бу ишга оқсоқолларимиз, корхона ва ташкилот фаоллари бош бўлсалар янада яхши бўларди.

— **Одамлар кўчатларни қаердан олишлари мумкин?**

— Эзгу ишга қўл урган ҳар бир одам мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ва гул ниҳолларини Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидан ёки «Тошкент гуллари» фирмаси ҳамда унинг филиалларидан сотиб олиши мумкин.

«Прогресс М-3» учирилди

«Мир» илмий-тадқиқот комплекси ишининг бундан буёнги режасига мувофиқ, 1990 йил 1 март кунн Москва вақти билан соат 2 дан 11 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс М—3» автомат юк кемаси учирилди.

Кемани учиришдан мақсад — одам бошқарадиган «Мир» комплексига сарф-ланадиган материаллар ва турли юкларни етказиб беришдан иборатдир.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра автомат юк кемаси системалари нормал ишламоқда.

(ТАСС).

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

90-йил кўклами ер тўғрисидаги Қонунга етишди

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

«Кўклам эшик қоқмоқда, вақт тиғиз, Ер ҳақидаги Қонунни тезроқ турмушга жорий этиш керак». Икки ҳафта муқаддам Олий Совет учинчи сессияси очилишида депутатлардан бири айтган бу гаплар барча халқ депутатларига фаолроқ иш кўриб, қайта қуришнинг асосий ҳуқуқий ҳужжатларини яратишни кечиктирмасликка даъват бўлиб янгради.

28 февраль қиш фаслининг календардаги охирги кунида депутатлар навбатдаги ялпи мажлисга қонунпушуносликнинг мураккаб жараёнида «кўклам бурилиши» ясашни қатъий ният қилиб тўпландилар. Кун тартибига «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Ер тўғрисидаги Қонун асосларини» қабул қилиш масаласи киритилган.

Қонун лойиҳаси ҳозиргача икки марта парламентда муҳокама қилиниб, ярим йилдан зиёд вақтдан буён комитетлар ва комиссияларнинг иш столларида турганини эслатиб ўтмоқчимиз. Тўлиқ ишлаб чиқилган Қонунни тақдим этар экан, депутат А. А. Никонов ҳужжат етарлича мутаносиблаштирилган юридик конструкциядан иборат ва шубҳасиз, кўп маротаба қайд этилган консенсус натижаси эканлигини таъкидлади.

Мулкчилик, ерга эгалик, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш тўғрисидаги масалалар дастлабки ўқилишида ҳам, муҳокамасида ҳам мутахассислар ўртасида энг кўп келишмовчиликларга сабаб бўлди. Лойиҳада «Ер мазкур территорияда яшаётган халқ мулкидир», деб таъкидланиб, у ерни тасарруф этишнинг барча ваколатларини илгари бўлганидек идоралар ихтиёрига эмас, халқ депутатлари маҳаллий Советларига топширади.

А. А. Никоновнинг ахбороти депутатларни мамнун этди. Уларнинг кўплари шундан аввалги икки кундаги қизғин вазиятдан ҳали нафасларини ростлаб олганлари йўқ эди. Чамаси, иш графигининг тиғизлиги (бешта қонун лойиҳаси дастлабки тарзда муҳокама қилинганлиги) ҳам, бир қанча Қонун ҳужжатлари ижтимоий жиҳатдан алоҳида мазмун билан тўлиқлиги ҳам бунга ўз таъсирини ўтказган эди. «Фавқулодда» ва «навбатдан ташқари» сўзлари минбарда кўп марта янграганлиги бежиз эмас эди. Ҳар сафар бу сўзлар шу дамларда залда зўдлик билан ҳал этилиши керак бўлган муаммолар муҳокама қилинаётганлигини эслатар эди.

Бугун, Олий Совет Қонун лойиҳаларини муҳокама қилишнинг навбатдаги, «режалаштирилган» саҳифасини очганида унинг аъзолари вазиятни кескинлаштирмай, қандай қилиб бўлмасин бир фикрга келишга, парламент қондаси бўлмиш кўпчилик фикрига сўзсиз бўйсунишга интилаётганликлари яққол намоён бўлди. Депутат В. И. Белов кўклам бошланишига... бир неча соат қолди, деган гапни айтиб, бу интилишни равшан ифодалаб берди, бу гап қонундаги таърифларнинг икир-чикирлари деҳқон учун унчалик муҳим эмас, чунки у эрта-индин далага чиқиши керак деган маънони билдирар эди.

Бир қанча депутатлар Қонуннинг моддалари хусусида аниқ — равшан мулоҳазаларни айтишди. Раислик қилувчи А. И. Лукьянов бу мулоҳазаларнинг кўпини жуда ўринли деб баҳолади ва Олий Совет Қонун асосларининг тақдирини ҳал этиши лозим, бу асослар ҳар бир алоҳида иттифоқдош республиканинг ер тўғрисидаги қонунларида тўлдирилиши ва ривожлантирилиши мумкин, деб уқтириб ўтди.

Мамлакатдаги ер ислоҳотининг пойдевори бўлиб қолиши лозим бўлган Қонун лойиҳасининг ҳамма ўн икки бўлими кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Қонунни умуман 15 мартдан кучга киритиш тўғрисида Олий Советнинг қарори ҳам қабул этилди.

1 март куни сессиянинг ёпиқ ялпи мажлиси ўтказилади, унда Кавказортидаги аҳволни муҳокама қилиш давом эттирилади. Сўнгра ҳафтанинг охиригача депутатлар комитет ва комиссияларда ишлайдилар, уларда халқ депутатларининг учинчи сессиясида ва навбатдан ташқари съездида кўриб чиқиладиган ҳужжатларни тайёрлаш давом этади. Маҳаллий ҳокимият органларига сайлов ўтказилиши муносабати билан кўпгина депутатлар ўз сайлов округларига жўнаб кетадилар.

• Партия турмуши: қарор ва ижро

Ўтган йилнинг 26 декабрь куни бўлиб ўтган Ильич район партия комитетининг бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши муҳокама этилганди. Бюро мажлисида партия ва ҳукуматнинг мазкур қарори районда жуда суст амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Аниқроғи райижроком, посёлка ва қишлоқ Советлари қошида шошма-шошарлик билан, жамоатчилик фикри ўрганилмасдан тузилган комиссиялар амалда фаолият кўрсатишмади.

ЯНА ЎЗИБЎЛАРЧИЛИКМИ?

ИЛЬИЧ РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ ҚАРОРИНИ БАЖАРИШГА РАСМИЯТЧИЛИК БИЛАН ҚАРАЛЯПТИ

Бу фикрни қарордан кейинги вақт ичида Янгиобод, Гулистон, Титов қишлоқ Советларида аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратилмаганлиги тасдиқлаб турибди. Бюро мажлисининг саккиз банддан иборат қарор қисмида аҳволни кескин яхшилаш, юқори партия ташкилоти қарорининг бажарилишини таъминламаётган коммунистларга нисбатан жиддий чора кўриш борасида тайинли гап йўқ. Район партия комитети бюро қарорининг бажарилишини назорат қилиш мақсадида эскича қолипда тузилган райкомнинг ташкилий бўлими тадбирлари ҳам табиийки, аҳволни ўнглашга ёрдам бермади. Партия қуйи бўғинларидаги хотиржамлик, ўзибўларчилик эса давом этяпти. Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз қарорининг ижросини текширишга киришганидан кейингина жойларда аҳолига уй-жой қуриш ва томорқа учун шошма-шошарлик билан ер ажратила бошланди. Аммо орадан кўп ўтмай бошланғич партия ташкилотлари бу муҳим сиёсий тадбирга яна бефарқ, лоқайд муносабатда бўлишни давом эттирдилар. Совхоз партия комитетларининг етакчилик, раҳбарлик роли сезилмади. Оқибатда айрим хўжалик раҳбарлари, қишлоқ Советлари ходимлари томонидан ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, давлат қонунларини бузиш ҳолларига йўл қўйилди. Фактларга мурожаат этайлик. Райондаги Пахтаобод посёлка Советининг қарори билан С. Қўшмуродов, Т. Қўшмуродов, Мамадалиев ҳамда Мамадалиеваларга 0,25 гектардан ер ажратилди. Аммо шуниси ажабланарлики, уларнинг бирортаси ҳам посёлка қаватида яшамайди, совхоз фаолиятида қатнашмайди. Хўжалик ишлаб чиқаришига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, посёлка ҳисобида турмайдиган Акбар Холиқулов ҳам турли йўллар билан Титов номли совхозга қарашли ердан томорқа олиш учун қарор чиқартиришга муваффақ бўлди. Совхоз дирекцияси, партия комитети эса экин майдонларининг талон-торож қилиниши фактларига томошабин бўлиб қараб турдилар. Бундай хотиржамликдан фойдаланган посёлка Совети раҳбарлари ҳали балоғат ёшига етмаган Жўрабой Мирзаев, Абдумалик Эшонқулов, Ҳамид Соатов, Маҳмуд Эсиргаповларга, айни пайтда Совет Армияси сафида хизмат қилаётган бир неча ёшларга уй қуриш ва томорқа учун ер бердилар. Эр-хотин Синдорова ва Эшонқуловларнинг ҳар бирига «Гумбаз» аҳоли пунктидан 0,25 гектардан ер берилганига нима дейсиз?

Партия комитетининг ўзи қабул қилган ҳамда юқори партия ташкилотлари қарорларини бажариш, назорат қилиш аҳволи билан қизиқдик.

— Жиддий назорат қилиб боряпмиз, — деди партия комитети секретарининг ўринбосари С. Абсатов. — Ҳатто йиғилишларда айтилган танқидий фикр-мулоҳазалар алоҳида дафтарга қайд этилиб, коммунистлар, партиясизлар таклифлари бўйича маълум тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ўша дафтарни кўрсак бўладими?

Буни қарангки, дафтарда 1989 йил давомида ўтказилган 16 та бюро мажлиси ва 6 та партия йиғилишида учта танқидий фикр-мулоҳаза айтилганлиги қайд қилинган, холос. Нима, совхозда муаммолар йўқми? Аҳолининг турмуш даражаси шу қадар юқорими?

Бизнингча, ундай деб бўлмайди. Кейинги бир неча йилдан бери совхоз қолоқлар сафидан чиқолмаяпти. Қолаверса, посёлкада ичимлик сув, газ таъминоти, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш муаммолари ҳал этилмаган. Бундай камчиликларни жуда кўп соҳаларда учратиш мумкин. Буни партия комитети ҳам, совхоз раҳбарияти ҳам билади.. Демоқчимизки, партия ҳужжатлари номигагина юритилаётир.

— Совхозда якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер ажратишдаги камчиликлар масаласини райком бюросида ҳам алоҳида муҳокама қилганмиз, — дейди ҳамроҳимиз, район партия комитетининг ташкилий бўлими мудири Т. Қодиров.

— Ўша бюро қарори асосида партия комитетида нима ишлар қилиняпти? — сўраймиз партком секретари Ўринбосари С. Абсатовдан.

Маълум бўлишича, совхоз партия комитети райком бюросидан кейин бир гуруҳ кишиларга жазо бериш билан кифояланиб қўя қолибди. Улар орасида совхоз директори А. Бердиёров ҳам бор экан. Ажабланарли жиҳати шундаки, А. Бердиёров ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб директор бўлиб ишлаяпти. 16 январдаги райкомнинг бюро қарори билан директор қаттиқ огоҳлантирилган. Совхоз партия комитети эса коммунистга худди шу масалада яна чора кўрибди. Аксинча, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорининг бажарилишини таъминлай олмаётган, бу жараёнга партиявий раҳбарликни мустаҳкамламаётган совхоз партия комитети раҳбарлари (секретари А. Латипов) райкомнинг ҳар иккала бюросида сувдан «қуруқ» чиқишибди. Ҳеч бўлмаганда совхоз партия комитетида бу масала чуқур ва кенг муҳокама этилганида, етакчи коммунистлар ўз фаолиятларига танқидий баҳо беришганида дуруст бўлмасмиди. Шу ўринда савол туғилади: бу партиявий ишни пухта билмасликми ёки коммунистга хос бўлмаган нокамтарликми?

Райкомнинг кейинги бюро мажлисида қаттиқ ҳайфсан олган Пахтаобод посёлка Совети раиси Ғиёс Носиров ҳам ҳали бу борада жиддий мулоҳаза юритмаганга ўхшайди. Аҳолини зарур қурилиш материаллари билан таъминлаш ҳамон муаммолигича қоляпти. Посёлка Совети раиси бу ишга киришиш у ёқда турсин, шу кунгача ҳатто аҳолига қанча ва қандай қурилиш материаллари зарурлиги ҳам аниқлай олмаган. Райондаги бошқа коллективларда ҳам бу муҳим ишда ташаббускорлик сезилмаяпти. Партия, хўжалик раҳбарлари, маҳаллий Советлар ходимлари уй-жой қуриш ва томорқа учун ер ажратиш билан ўз вазифаларини бажардик, деб хотиржам юришибди. Аслида хотиржамликка ўрин бўлмаслиги керак эди. Негаки, халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифаси билан узвий боғлиқ бўлган қарорнинг иккинчи босқичини бажаришга эндигина киришилди. Деҳқон ўз ерига нимани экади-ю, уйини қандай қуриб олади, ҳозир ана шу ҳақда ўйлаш лозим. Ҳар бир раҳбар деҳқоннинг бугунги дарди-ҳасратини, муаммоларини қалбдан ҳис этиши керак. Бунинг учун эса партия ташкилотлари раҳбарлари халқ орасида бўлишлари, уларнинг юмушларини енгил қилиш ташвиши билан яшамоқлари лозим. Республика партия ва ҳукуматининг қарори ана шундай қарашлар, изланишлар маҳсулидир. Шу боис унинг ижроси ҳеч сўзсиз тўла таъминланиши зарур.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДАСТЛАБКИ НОМЗОДЛАР

◆ СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Табобат-биология муаммолари институтининг тиббий-эксперт комиссияси «Мир» станциясида космосга учадиган журналистларнинг дастлабки номзодларини эълон қилди.

Шифокорларнинг хулосасига кўра, Павел Мухортов («Советская молодежь» газетаси, Рига) ва Светлана Омельченко («Воздушний транспорт» газетаси, Москва) га тайёргарлик марказида махсус машқлардан ўтишига рухсат берилди.

— Тез орада яна бир неча журналист стационар тиббий кўрикдан ўтиб бўлади. Ўшанда космосга учиш учун тайёргарлик кўрадиган номзодларнинг тўла рўйхати эълон қилинади, — деди Табобат-биология муаммолари институти клиника бўлимининг мудири Ю. Воронков. — Космосга ким учиши тўғрисидаги узил-кесил хулосани бош тиббий комиссия билан СССР Журналистлар союзининг космик комиссияси чиқаради.

(ТАСС мухбири).

Пешқадам

Бағдод районидаги ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида ўз касбини пухта эгаллаган ремонтчи-слесарлар талайгина. Жумайдулла Исмоилов ана шундай илғорлардан бири. У йигитлик бурчи—армия хизматини тугатганидан буён шу корхонада ҳалол меҳнат қилиб келяпти. Ёш бўлишига қарамай техникани яхши билиши, топширилган вазифани аъло даражада бажариши туфайли ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Баҳор фаслининг дастлабки куларида Жумайдулла хизмат қилаётган корхонада ремонт ишлари қизғин давом этяпти. Экин ишларига зарурий транспорт воситаларини ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб беришда моҳир слесарь ҳамкасбларига ўрнак бўляпти. У кунлик нормасини 105—110 фоизга адо этмоқда.

Суратда: слесарь Ж. Исмоилов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

• *Унутилмас сиймолар*

Бир туп тут эккан киши юз йил гавҳар теради, деган ҳикматли гап бор. Бу фикр ҳаётда яхши ном қолдирган, элнинг, халқнинг ғамида меҳнат қилган кишилар шанига жуда ҳам ярашиқлидир. Ўзбек халқининг атоқли фарзанди, партия ва давлат арбоби Усмон Юсупов ана шундай инсонлардан эди. У ҳаёт бўлганида ҳозир қутлуғ 90 ёшини ёру-дўстлари билан нишонлаётган бўларди.

Ҳаёт боғбони

Шу сана муносабати билан В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида кўргазма ташкил этилди. Юбилей тадбирларида қатнашиш учун Инесса Усмоновна Юсупова Москвадан келди. У ҳозир бутуниттифоқ умумий ва суд психиатрия илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Биология фанлари номзоди Инесса Юсупова Усмон Юсуповнинг фарзандларидан бири. У сафари чоғида отаси ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди.

— Мен 1966 йилнинг бошларида отпускамни ўтказиш мақсадида Халқободга, отамнинг бағрига келдим. Ўша йили Тошкент зилзиласи бўлди. Отам бундан ғоятда қайғурди. Чунки у, бу азим шаҳарни жуда ҳам севар ва унинг ҳар бир кўчаси обод бўлиши учун кўп қайғурган эди.

Дадам узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда раҳбарлик лавозимларида ишлашига қарамай, бўш вақтини акаларим ва сингилларим билан доим қувноқ ўтказар эди. «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг биринчи намойишига олиб боргани ҳамон ёдимда.

Оиламизда отамнинг туғилган кунини нишонлаш одат тусига кирмаган эди. Ҳаммамиз биргалашиб унинг туғилган кунини аниқладик ва тадбирга тайёргарлик кўрдик. Отам босиб ўтган ҳаёт йўлини акс эттирувчи суратлар мажмуасини ҳозирладик. Бу мажмуа ҳозир укам Ўлмаснинг уйида сақланади.

Отам ишдан олингандан кейин уйда ёлғиз қолди. Унинг атрофида «парвона» бўладиган таниш-билишларининг кўпи чуғурчуқ қушлардек учиб кетишди. Кунлардан бир кун кечаси безовта бўлиб, оғриб қолди. Билсак, унинг тиши қаттиқ зирқираётган экан. Шунда врач: «Усмон ота, ҳаёт ташвишлари учун кўп қайғурманг, бу кунлар ўтиб кетади. Сиз барибир ўзбек халқининг ҳақиқий фарзанди бўлиб қолаверасиз», деб юпанч берибди. У поликлиникадан уйга келгач, кўп ўтмай тиш оғриғи босилди. Ўшанда у «менинг ҳаётда кўрган оғир кунларим, ўкинчларимни ана шу тиш оғриғи хайрият олиб кетди», деб ўзига-ўзи таскинлик берди.

Биз отамизнинг ҳар бир босган қадамини, айтган ҳар бир сўзини ҳеч қачон унутмаймиз. У доимо халқнинг ташвиши, юмушлари, юрт ободончилиги билан яшаган эди...

Халқ фарзандининг таваллуди муносабати билан бошқа жойларда ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Усмон Юсупов умрининг охирги йилларида меҳнат қилган «Халқобод» аграр-саноат бирлашмасида бу санага атаб конференция ўтказилди.

Янгиўл шаҳридаги Усмон Юсупов меъмориал уй-музейида эса Усмон отани кўрган, у билан мулоқотда бўлган нуронийлардан М. Жабборова, М. Хайруллин ва бошқалар гапирдилар.

А. ПЎЛАТОВ.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида очилган кўргазмада Инесса Юсупова [ўртада] мўътабар даргоҳ ходимлари билан.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ЎзТАГ ХАБАР ҚИЛАДИ

УМУМИЙ ХОНАДОНИМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

◆ 28 февраль куни Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети ва Совет тинчлик фонди бўлими президиумининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мазкур жамоат ташкилотларининг биринчи галдаги вазифалари муҳокама қилинди.

Тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети фаоллари халқаро соҳадаги фаолият билан бир қаторда бугунги кунда ички муаммолар билан кўпроқ шуғулланиш, одамларни ташвишлантираётган масалаларни ўрганиш, Ўзбекистондаги бошқа жамоат ташкилотлари билан бирга мазкур масалаларнинг ҳал этилишида қатнашишлари кераклиги таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети ва тинчлик фонди бўлими фаолиятини янгилаш йўллари белгилаб берилди.

КОМПЬЮТЕР БИЛАН ҚИШЛОҚҚА

Дўстлик районининг аграрчи мутахассислари информатика, ҳисоблаш техникаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини компьютерлаштириш асослари курсида ўқиб чиқдилар. Ўқиш район партия комитети ва район агросаноат бирлашмасининг ташаббуси билан Агросаноат комплексини бошқариш республика олий мактабида ташкил қилинган эди.

Тингловчилар икки ой мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши план-иқтисодий масалаларини ҳал этишда зарур бўлган замонавий ахборот технологияси, алгоритм тиллари, маълумотлар базасини шахсий компьютерлар билан бошқариш системалари соҳасидаги назарий билимларни жадал режимда эгалладилар.

Амалий машғулотлар республика олий мактабининг Тошкент областидаги база хўжаликлари бўлмиш колхоз ва совхозларда ўтказилди.

Бундан уч йил олдин ташкил этилган Совет—Италия қўшма «Совпластитал» корхонаси маҳсулотларига бўлган талаб фақат Иттифоқимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам ошиб боряпти. Корхона аҳли бундай ютуққа маҳсулот сифатини кескин яхшилаши туфайли эришмоқда.

Ҳозир янги технология ва автомат линиялар ўрнатилган цехлардан рангли пластмассадан тайёрланган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Шуниси қувончлики, ўтган уч йил мобайнида маҳсулот етказиб бериш йиллик суръати 15 миллион сўмдан 46 миллион сўмга ошди.

Айни кунларда эса корхона аҳли маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга, аҳолини кўпроқ истеъмол моллари билан таъминлашга ҳаракат қилишяпти.

Суратда: корхонанинг тажрибали ишчиси М. Камолова.

А. ЖДАНОВ сурати.



МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ТОЗА ҲАВО УЧУН

Эндиликда Қорақалпоғистондаги барча пахта заводларида янги, кучли чанг ушлагич қурилмалар ишлатилмоқда. «Каракалпакхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасида регионда экология муҳитини яхшилашга қаратилган туркум режаларни бажариш натижасида шундай натижа қўлга киритилди.

Бу туркум режалар ўтган йили қабул қилинганди. Бинобарин режалардаги тадбирларга бошқа кўп вазифалар ҳам қўшимча равишда киритилганди. Шундай қилиб ўтган йили ҳавони тозаловчи қурилмаларни такомиллаштириш учун мўлжалланган 183 минг сўм пулга нисбатан қарийб бир ярим баравар кўп маблағ сарфланди. Ҳозир бирлашма корхоналарида чанг ва бошқа зарарли моддалар чиқишининг олдини оладиган 360 тадан кўпроқ қурилма ўрнатилган.

Бундан ташқари автономия республика пахта заводларида чанг чиқарувчи манбаларни рўйхатдан ўтказиш ва уни расмийлаштириш Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти Тошкент бўлими билан шартномалар тузишган.

ФОЙДА ҲИСОБИГА

Денов ёғ-экстракция заводи март ойи охири ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Маҳсулот етказиб бериш режалари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Корхона маҳсулотлари Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикаларига, Россия Федерациясининг кўп областларига юборилмоқда. Бироқ маҳсулотнинг катта қисми Сурхондарёнинг ўзида сотилади.

Заводда икки йил аввал жорий этилган хўжалик ҳисоби муваффақиятли ишларнинг ҳал қилувчи шарти бўлди. Ускуналардан фойдаланиш яхшиланди, технология интизоми мустаҳкамланди. Натижада ўтган йилда планга нисбатан 300 минг сўм кўп — 1,8 миллион сўм фойда олинди. Бу маблағнинг бир қисми ишлаб чиқаришни газлаштиришга сарфланади. Газдан мазут ўрнига фойдалана бошлайдилар. Бу эса анча маблағни тежаб қолишга, шунингдек, корхона теварагидаги экология муҳитини яхшилашга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ХЎЖАЛИКНИ ЯНГИЧА ЮРИТИШ САБОҒИ

◆ Олтиариқ район 88-механизациялашган кўчма колонна коллективи бундан икки йил олдин хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган эди. Мана, янгича усулда ишлашнинг дастлабки натижаларини таҳлил қилса бўладиган муддат етди.

Аввало, қўлга киритилган ютуқлар ҳақида. Коллектив ишчи-хизматчилари ўтган йил учун белгиланган планмажбуриятларини муддатидан олдин — 7 декабрь куни ошириб бажарди. Жумладан, пландаги 369 минг сўм ўрнига 452 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди ёки бу соҳадаги йиллик план 123 фоизга адо этилди. Автотранспорт хизмати кўрсатиш плани 1 миллион 334 минг 300 сўмга етказилди. 1-Фарғона қурилиш-монтаж трестига қарашли қурилиш ташкилотларига 502 минг тонна юк ташиб берилди. Аҳамиятлиси шундаки, қурилиш-монтаж ишлари бўйича меҳнат унумдорлиги 124,5 фоизни, автотранспорт хизмати бўйича эса 126,7 фоизни ташкил этди. Йил 290 минг сўм соф фойда билан якунланди.

Характерли факт. Ўтган йили колонна коллективи республика корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада фаол қатнашиб, III квартал якунларига кўра иккинчи ўринни эгаллаб, пул мукофоти билан тақдирланганди. Хўш, хўжалик ҳисоби ишчи-хизматчилар манфаатдорлигига қай даражада таъсир этди?

Янгича шароитга ўтиб ишлаш даврида маъмуриятдаги хизматчилар сони 40 нафардан 31 нафарга камайтирилди. Қисқартирилган штатларга кетадиган маблағ хизматчилар маошига қўшиб бериладиган бўлди. Ҳозир қурувчилар ва ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 250-300 сўмгача етяпти. Ўтган йилнинг 1 сентябридан иш ҳақи беришнинг янгича тартиби йўлга қўйилди. Енгил машина ҳайдовчиларнинг 1 соатлик иш ҳақлари 51,2 тийиндан 63 тийинга оширилди. Юк автомобиллари ҳайдовчилари эса бир соатлик ишлари учун 70 тийин ўрнига 85 тийин оладиган бўлишди. Қисқаси, ким кўп ишласа шунга яраша ҳақ ола бошлади.

Бундан ташқари, қурилиш ва автотранспортчилар бригадаларида белгиланган ойлик планга қўшимча равишда бажарилган иш ҳисобига келадиган фойда энди корхона ҳисобида қолдирилмасдан, ўша бригадалар ишчи-хизматчиларига мукофот тарзида берилмоқда. Бу ўз-ўзидан қурувчи ва ҳайдовчиларни ойлик план ва топшириқларни ошириб бажаришга руҳлантиряпти. Шу ўринда изоҳ беришга тўғри келади: ҳайдовчилар бригадаси 4 та, қурувчилар бригадаси 1 та бўлиб, уларда меҳнат коллективи кенгаши тузилган ва бу кенгаш амалий фаолият кўрсатиб келяпти.

Иқтисодий мустақиллик коллектив ишчи-хизматчиларига яратилаётган шарт-шароитларни янада яхшилаш имкониятини ҳам вужудга келтирди. Транспортчилар ва қурувчилар учун ошхона, чойхона хизмат кўрсатяпти. Дам олиш, ювиниш хоналари ҳам мавжуд. Ишга киришишдан ва уйга қайтишдан олдин кийиниб олиш учун ҳам алоҳида хона ажратилган.

Социалистик мусобақа — имтиёзли шароитлар яратяпти. Колоннада бригадалар ўртасидаги мусобақа ҳар кварталда якунланиб, ғолиблар учун учта пул мукофоти бериб бориляпти. Биринчи ўрин учун 100 сўм, иккинчи ўрин учун 75 сўм, учинчи ўрин учун 60 сўм ажратилган. Ўтган йил IV квартали якунларига кўра, Баҳодир Халилов бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси ғолиб деб топилиб, уларга 100 сўм пул мукофоти берилди. Шунингдек, ҳар кварталда энг илғор ишчи-хизматчилар ҳам алоҳида пул мукофоти билан тақдирланишади. Масалан, ўтган квартал якунида ҳар бир бригададан 3 нафардан энг илғор ишчига 40 сўмдан пул мукофоти берилди.

Корхона тасарруфидаги ёрдамчи хўжалик ҳам кейинги пайтда анча жонланди. 6 нафар аъзоси бўлган ёрдамчи хўжаликда 8 гектарли мевали боғ, 15 бош қорамол ва 40 қути асалари бор. Бу ерда етиштирилаётган маҳсулотлар колонна ишчиларига арзон баҳода мунтазам етказиб бериляпти. Эҳтиёждан ортиқчаси эса четга сотилиб, даромад қилиняпти. Ўтган йилда 10 минг 506 килограмм ҳўл мева ҳосили олиниб, бунинг 4200 килограмми район тайёрлов идорасига топширилди. Шунингдек, 2300 килограмм сут, 311 килограмм гўшт, 99 килограмм асал тайёрланди. Бундан ташқари, ёрдамчи хўжалик боғбонлари 311 килограмм ёнғоқ, 308 килограмм анор етиштириб, колонна ишчи-хизматчиларининг дастурхонини безашди. Бироқ ёрдамчи хўжалик ҳалигача ўзини-ўзи маблағ билан қоплай олмаяпти. Шунинг учун ҳам уни ривожлантириш, даромадли соҳага айлантиришга ҳаракат қилиняпти.

Ҳозир колоннанинг иш доираси кенгайди, хизмат даражаси юксалди. Автотранспорт хизматини республика миқёсига олиб чиқишга ҳаракат қилинаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Айни кунларда 4 та транспорт воситаси зилзиладан зарар кўрган Арманистон ССРда, 2 та машина эса Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатмоқда. Манфаатдорлик юқори бўлганлиги учун ҳайдовчилар буюртма бўлса, ҳатто дам олиш кунлари ҳам объектларга юк ташишмоқда.

Колоннада илғорлар кўпчиликни ташкил этади. Маҳмуд Машарипов, Охунжон Отабоев, Неъматжон Сузоқов, Баҳодир Сиддиқов, Абдулазиз Икромов каби ҳайдовчи, слесарь ва қурувчилар катта коллективнинг фахри ҳисобланади.

Ишдаги ютуқлар аввало илғорларга, шу жумладан раҳбарга ҳам боғлиқ. Юқорида илғорлар номини тилга олдик. Колонна бошлиғи Тоштурғун Исоқов ҳақида ҳам яхши фикрларни айтиш мумкин. 1988 йилнинг сентябрь ойида коллективга демократик усулда бошлиқ қилиб сайланган Т. Исоқов билдирилган ишончни шараф билан оқлаяпти. У қисқа вақт ичида бир қатор ишларни амалга оширди. Илгарилари ҳайдовчиларнинг йўлланмаларига оладиган ҳақлари 3-4 ойлаб чўзилиб кетар эди. Ҳозир бу ҳақ муддатида бериляпти. Доимо қийнаб келадиган ёнилғи муаммоси ҳам ҳал этилди. Бундан ташқари, Файзиобод посёлкасида колонна ишчи-хизматчилари учун 48 оилага мўлжалланган уй-жой қуриляпти. Келгуси йилда бу бино фойдаланишга топширилади.

Ютуқлар билан бирга, иқтисодий мустақилликни янада барқарорлаштиришга тўсиқ бўлиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Колоннадан хўжаликлараро қурилиш материалларини комплектлаш корхонаси шартнома асосида юк транспортлари олади. Мазкур транспортлар ёрдамида эса 1-Файзиобод қишлоқ қурилиш комбинатидаги юк белгиланган объектга элтиб берилади. Ҳайдовчиларнинг йўл варақаларига юкни қабул қилиб олган объектдагилар имзо чекиб, ҳисоб-китоб қилишади. Муаммо шундаки, ҳайдовчилар юкни олишда кўп вақт бўш туриб қолишади. Бирор марта ҳам юк ўз вақтида олинмайди. Шу бўш туриб қолинган вақт учун шартномачи ёки юк берувчи корхона ҳақ тўламайди. Ахир, бу ерда ҳайдовчилар айбдор эмаску! Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бўш турилган вақт учун уч ташкилот — шартнома асосида транспорт олган корхона, юк берувчи комбинат ёки юкни қабул қилиб олувчи ташкилотлардан бири ҳақ тўлаши керак. Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бу муаммони ечиш шартнома асосида транспорт воситаси олган корхонага боғлиқлиги маълум бўлади. Тўғри, 1987 йилда бир ой бўш қолинган вақт учун корхона ҳақ тўлади. Кейинги йилларда бундан бош тортишди. Корхонанинг иқтисодий жиҳатдан бақувватлиги бунга сабаб бўлди.

Бу масала юзасидан республикадаги министрликлар, область ва райондаги бошқарув идораларига бир неча бор мурожаат этилди. Комиссиялар тузилиб, муаммони ҳал этишда ёрдам берамиз, дейилди. Лекин амалда ёрдам берилмади.

Колонна бош иқтисодчиси А. Лутфуллаев билан суҳбатимиз давомида яна қатор муаммолар мавжудлиги аён бўлди. Эътибор беринг. Колонна район бюджетига йилига ўртача 73 минг сўм, ўзларининг юқори идораларига ўртача 21 минг сўм ўтказиб, беради. Аслида район бюджетига йил давомида 98 минг сўм ўтказиб бериш планлаштирилган эди. Тортишувлардан кейингина бу миқдор 73 минг сўмга келтирилган. Наҳотки, райондаги масъул идоралар маҳаллий бюджетга ончагина пул ўтказиб турган мазкур колоннадаги юқорида тилга олинган асосий муаммони ҳал этиб бера олмасалар?!

— Хўжалик ҳисобида ишланса, харажатлар ўз-ўзидан кўпайиб кетаверар экан, — дейди бош иқтисодчи. — Шунга мажбур бўлиб қолинаркан. Қоида ва инструкциялар ҳам бир талай. Буни қаранг, куни кеча яна бир кўрсатма олдик. Энди белгиланган иш ҳақи ортиб, кетса, молия бўлимига солиқ тўлар эканмиз. Бу солиқ қўшимча тўланган иш ҳақининг 7 фоизини ташкил этишлиги кўрсатиб қўйилибди. Мен бу кўрсатмани қораламоқчи ёки инкор этмоқчи эмасман, албатта. Бунга амал қилсак, иш ҳақи яна чегараланиб қолмасмикин, деган ҳадик бор.

Тўла хўжалик ҳисоби истиқболни белгиловчи омил эканлигига колоннада бўлганимизда яна бир карра амин бўлдик. Янгича ишлаш шарофати туфайли кўп нарсалар ижобий томонга ўзгарган, ўзгаряпти. Лекин унумли ва сифатли меҳнат қилиш ҳақидаги оддий қонун ўз кучида қоляпти, холос.

Ҳ. ЖУРАБОЕВ,
Фарғона области.

• ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИ

ЖОН МАҲАЛЛАМ

БУНДАН бир неча йил муқаддам АПН мухбири мени маҳаллага излаб келиб қолди:
— Ҳамкасаба, мен атай келдим. «Совет ланд» («Совет Иттифоқи») журналидан муҳим топшириқ бор. Мени маҳалла ҳаёти билан таништирсангиз. Билишимча, ўзбеклар азалдан маҳалла-маҳалла бўлиб яшаб келадилар. Ҳали ҳам воз кечмаганлар. Нега? Ва умуман маҳалла деганм нима? Изоҳли луғату қомуслардан бирон қониқарли жавоб тополмадим, — деди у.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек тили изоҳли луғатида маҳаллага «шаҳарнинг бир неча кўчасини ўз ичига олган бўлаги ва унинг аҳолиси» деб таъриф берилса, Катта Қомусимизда «шаҳар ва қишлоқларда аҳоли яшайдиган маъмурий-территориал бирлик, квартал» дейилади.

Чинданам юзаки таъриф, фақат чегараларига аниқлик киритмаса, унинг моҳияти ҳақида ҳеч нима билдирмайди.

Мухбир дўстимизни бир неча кун маҳалла ҳаёти билан таништирдим. Хонадонларга олиб кирдим, тўю маъракаларда қатнашди. Ҳашару наврўзларимиз, ҳайитларимиз ҳақида сўзлаб бердик. Маҳалла ишида пишган, ҳаётини маҳалласиз тасаввур қила олмайдиган оқсоқоллар билан учрашди. Одамларнинг шодлигу ғам-ғуссали кунларида бирга туриб берадиган, ёнига кирадиган кишилар билан таништирдим. Ёш оилаларни яраштириб қўйишдан тортиб, катта-кичик можароларни бартараф қилишгача маҳалласиз битмаслигини ўзи кўриб ишонч ҳосил қилди. Хуллас, биз ўшанда ўзбек маҳалласига бошқача таъриф бериш керак, маҳалла халқ қадриятларининг энг буюк тимсоли, унда халқ ўзини ўзи идора этади, унинг минг йиллик орзу-умидлари, жамоат бўлиб, яхши қўшничиликда, қуда-андачиликда, энг инсоний муносабатларда яшаш тарзидир, деган қарорга келдик. Мухбир дўстимиз маҳалламиз ҳақида суратлар билан безатилган жуда ажойиб мақола ёзди. У «Совет ланд» журналида босилиб, бутун Шарқ мамлакатларига тарқалди. Ҳиндистон сафарига борган бир дўстимиз эса журнални ўша ёқда кўриб, боши осмонга етиб фахрланганини ҳикоя қилиб берди. У бир дона келтирган экан, ўша журнал кўп вақт йиғинларда қўлма-қўл ўтиб юрди. Ва биз ўшанда маҳалла бўлиб, аҳил-иноқлигу яхши қўшничиликда яшаш тарзимиз билан, ўлмас анъаналаримизни давом эттираётганимиз билан чиндан фахрландик.

Хўш, маҳаллага қандай таъриф бермоқ мумкин? Ўз ўзини идора қилишнинг ота-боболаримиздан қолган бу усулини нега биз ҳамон асраб келмоқдамиз? Авлоддан авлодга топширмоқдамиз? Унинг нима сири борки, ҳеч нарса билан алмаштиргимиз йўқ? Унда умуминсоний нияту қадриятларнинг қайси жиҳатлари мужассамлашиб кетганки, маҳалла деса жонимизни бермоққа тайёр турамиз? Ўзбек ўз маҳалласи билан тирик, деган гапда чиндан катта маъно йўқми? Балки шу она-юрт туйғусининг ўзидир?

Ростданам маҳалла дегани нима? Катта олиму шоирлардан тортиб, юқори идораларнинг хизматчиларигача ўз тақдирини маҳалла билан боғлашларида қандай сир бор?

Мен маҳаллани яхши-ёмон кунимизда асқотадиган оқибатли одамлар жамоаси, деб атардим. Чунки бу ерда ўлигингда ҳам, тиригингда ҳам зарур, шодлигингга ҳам, қайғунгга ҳам шерик одамлар яшайди. Сен уларга ҳар кун, ҳар соатда суянишинг мумкин, ишонишинг мумкин. Чунки у сенга биринчи бўлиб инсофу диёнатдан, меҳру-оқибатдан дарс берган халқ, керак бўлса тергаб, тартибга чақирувчи, лозим топса бошингни силаб мурувват кўрсатгувчи эл. Чунки бошингга бирор ташвишу оғир кун тушганда биринчи чопиб борадиган еринг шу маҳалла. Қариндош-уруғингдан олдин ёрдамга етиб келадиган, ёнингга кириб суянчиқ бўладиган, таскин берадиган кишилар туради бу маҳаллада. Бир сўз билан айтганда биз кўз очиб кўрган дунё, мурувватли одамлар макони. Ҳеч нарсага алмашиб бўлмас юрт. Маҳалла ана шундай улуғ маскан.

Мен яқинда Тошкент шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Марказкомимизнинг биринчи котиби сўзлаган нутқни ўқиб қолдим. Ва ўша ерда маҳалла аҳлига берилган таърифга қўшилдим. Чиндан қомусимизга бемалол ёзиб қўйса арзийдиган гап. Мана эшитинг. «Маҳалла аҳли ўз даҳалари ва районларини обод қилиб, муштарак эҳтиёжлар учун одамларни жипслаштириб келмоқда. Улар шодлик кунларида ҳам, ғам-ғуссада ҳам бир-бирига мадад беришдек анъаналарни қўллаб-қувватлаб, оиладаги жанжаллар ва бошқа можароларни бартараф этиб, ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаб бормоқдалар, халқ қадриятларини ва умуминсоний қадриятларни маънавий, руҳий жиҳатдан асраб-авайлашдек жуда муҳим ишни кўз-кўз қилмай, аммо кун сайин қунт ва чидам билан амалга оширмоқдалар».

Чинданам бу таъриф ҳақиқатга яқин, равшан, маҳаллада қилинаётган ишлар моҳиятидан келиб чиқиб айтилган. Унда ҳар битта ўзбекни маҳаллага боғлаб турган жон ришталарини аниқ ҳис этасиз.

ЯХШИ, ўша жон ришталари маҳаллагарчилигимизнинг қайси жиҳатларида аниқ кўринади? Ҳеч эътибор берганмисиз? Қайси анъаналаримиз биз учун энг азиз ва нимага азиз деб биламиз? Маҳалла дегани энг аввало, яхши қўшничилик дегани. Жой олма, қўшни ол, деб бекорга айтмаганлар. Агар сиз ўғил уйлантирадиган бўлсангиз ҳам энг аввал сизни қўшниларингиздан, қолаверса маҳалладан келиб суриштирадилар. Қўшниси билан чиқишмаган одамнинг маҳаллада ҳурмати бўлмайди. Шунинг учун биздa «кўздек қўшним» деган гап бор. Маҳалла қўшнилардан таркиб топади, қўни-қўшни билан яхши бўлолмаган одам маҳаллада яккаланиб қолиши, охири кўчиб кетишга мажбур бўлиши ҳеч гап эмас. Ундан кейин маҳалла-кўйга аралашмаган, маҳалла-юрт измидан чиққан одамга қийин. Маҳаллада кўпчилик билан ҳисоблашмай яшаш мумкин эмас. Ўзини билган ўзбек учун юртдан чиқиб қолишдан уят нарса йўқ. Бу шундай жамоаки, ҳар бир инсон одамларнинг кўз ўнгида туради. Босаётган қадами, олаётган нафаси, катта-кичикка муносабати-муомаласига қараб, баҳосини олаверади. Идорасию ишхонасида унақа-бунақа одамни назарга илмайдиган «ман-ман» деган амалдорлар ҳам маҳалласида ўйлаб қадамини босади. Чунки эртага яхшиёмон кунида шу юрт, шу маҳалла керак. Усиз ҳеч бир маросимни ўтказа олмайди.

Маҳалла одамларнинг бошини қовуштирадиган жой, бир-бирига меҳр-оқибатли қиладиган, инсоф-диёнатдан чиқиб кетишига йўл қўймайдиган бирикма. Ҳатто «дўм»га кўчиб бориб қолган ўзбеклар ҳам ўзаро дарров бирикиб, кичикроқ бир маҳалла ташкил қилишлари, асбоб-ускуна қўядиган жой топиб, тўй-маъракаларни ўтказадиган ерни келишиб олишлари бежиз эмас.

Маҳаллада жуда кўп яхши удумларимиз сақланиб қолган. Бемору кексаларни кўриб қўйиш, ҳол сўраш, тавоф этиш ҳалигача давом этиб келаётир. Тўй муборак-лар, ҳар хил борди-келдилар, қуда-андачилик чақирувлари, армия хизматидан қайтган ўғлонларимизни зиёрат қилиб қўйиш, хуллас оддий одамгарчиликка кирувчи таомилларимиз кўп. Буларсиз бекорга маҳалладан чиқиб қолишимиз мумкин. Биз эса буни истамаймиз. Демак, маҳалла керак, биз маҳалла билан, маҳалла эса биз билан тирик.

Маҳалла яхши тўйда ҳам, ёмон ўлимда ҳам керак. Усиз одам — сувсиз балиқдай гап. Биз бу ерда «дўмавой»дан ўтиб одам қаторига кирибгина қолмаймиз. Ўғил уйлантириб, қиз узатадиган бўлсак ҳам шу маҳалла керак. Ҳатто бўлажак қудаларни, куёвни ҳам суриштириб, биринчи галда маҳалласига борамиз. Ўша ердаги оқсоқолларнинг гапига ишониб тамомила бегона оилалар қуда-андачилик ришталарини боғлаймиз.

Болаларимиз-чи? Шу маҳалланинг кўз-қулоқлигида ўсиб-улғаймайдиларми? Шу маҳалла туфайли унинг ҳар бир қадамидан огоҳ турамиз, вақтида ёмон йўллардан қайтариб қоламиз-ку, ахир. Чиндан ҳам қаерда маҳалла аҳил бўлса, ўша ерда безори, такасалтанг, ишёқмас болалар ҳам кам бўлади. Бегона ҳам оралай олмайди. Ҳеч бир ёмонлик маҳаллада ётган эмас. Эртасигаёқ одамлар ундан огоҳ топадилар.

Эсимда бор, бир гуруҳ тўйдан чиққан ўспиринлар баъзан турмуш қийинчиликларидан қочиб ширакайф бўлиб юрадиган укамизни ўртага олиб калака қилибдилар. Эртасига эса шу маҳаллалик дарвишсифат одамни ўраб, этига папирос чўғини босиб майна этибдилар. Бундан хабар топган катталар ўша болаларни маҳалла аҳли ичида роса изза қилдилар, иккинчи бу номаъқулчилик кўчасига кирмасликка сўзларини олибгина уйларига рухсат беришди. Қолганини эса маҳалладан уятга қолган ота-оналардан эшитишди. Ана шундан кейин уларнинг мулойим тортиб юришларини кўрсангиз. Бошқа гал эса наша чекиб олган учта ўспирин қўшни маҳаллада энг обрўли кишини қоронғида йўлини тўсиб чиқиб, бўйнига чилвир ташлашибди. Хайрият ҳалиги одам чаққонлик қилиб қолиб, қўли билан ушлаб олибди чилвирни. Эртасигаёқ ўша «қаҳрамонлар» отаоналари билан маҳалла гузаригa чақирилиб, катта йиғинда муҳокама этилди, тоза дашном беришди. Шу-шу йигитлар қайтиб ўша кўчага қадам босмадилар. Армиядан эса, яна ҳам ақл-ҳушини йиғиб қайтишдию уйли-жойли бўлиб кетишди. Маҳалла аҳли бош-қош бўлиб тўйларини ўтказди. Ҳозир улардан мўмин-қобили йўқ. Хўш, ўшанда маҳалла-кўй индамаганида, ўртага олмаганида нима бўларди? Албатта, яхшиликка олиб бормасди.

МАҲАЛЛА бировлар ўйлаганидек, фалончи шу ерда истиқомат қилади, деб шаҳодатлик берадиган жойгина эмас. У ҳокиминятнинг бир ячейкаси сифатида район ижроия комитетлари билан боғланиб иш кўради. Ҳозир шаҳарнинг биргина Акмал Икромов районида ўттиздан ортиқ маҳалла бор. Тошкент шаҳрининг ўзида эса 320 та маҳалла ишлаб турибди. Ҳозир қишлоқларда ҳам маҳалла тарзида яшаш ва идора қилиш мақбул тонилиб, жуда кўп маҳаллалар тузилмоқда. Илгари маҳаллалар ўз ҳолича иш кўрган, қўли райондан нарига етмаган бўлса; энди давр, муносабатлар ўзгармоқда. Маҳаллалар халққа яқинлиги билан жуда катта куч эканлиги, у ерда халқ орасида иш кўра оладиган катта ташкилотчилар борлиги маълум бўлиб қолди.

Ана шу одамлар маҳалла дардларини дадил ўртага қўя бошладилар. Халқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб боряпти. Бу нимада кўринди? Бу бизнинг планлаштиришдаги чатоқликларимиз, халқнинг ҳамма қатламлари эҳтиёжини тўла ўрганиб иш кўрмаганимиздан, маҳаллаларда ҳам шаҳарнинг кварталларидагидек шароитлар яратиб бермаганимиздан келиб чиқди. Чинданам биз шаҳар кварталларида яшаш учун лозим бўлган ҳамма маданий-маиший шароитларни муҳайё қилиб қўявердигу ёнгинасидаги маҳаллаларга эътибор қилмадик. Кварталларда ҳар турли дўконлар, хиёбонлар, сайргоҳлар очилганида маҳалла гузари учун етарли жой ажратиб берилмади. Канализация, газ ўтказиш масаласи ўн йиллаб муаммо бўлиб турди. Боғчалар қурилмади, одамлар ҳаммомга, поликлиникага шаҳарнинг нариги чеккасига қатнашга мажбур бўлдилар. Маҳалладагилар шаҳарда яшаб, ишлаб туриб, шаҳардагидек оддий қулайликлардан баҳраманд бўла олмадилар. Натижада одамларда депутатларга ишонч сўнди, сайловлардан путур кетди. Шу аҳволда маҳаллалар ўн йиллаб ўз ёғига ўзи қовурилиб яшади.

Фақат ўтган йилдангина муносабат ўзгарди. Яхши насимлар эса бошлади. Тарихда биринчи марта маҳалла комитети тан олиниб, унда ишлаётган кишиларга (раис ва секретарга) маош тайинламаслик адолатдан эмаслиги айтилди. Ундан кейин Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида ишонч уйғотадиган сўзларни ўқидик. Маҳаллаларнинг руҳсатисиз бу мавзеларда бирон бир қурилиш қилмаслик ўртага ташланди. Ва ниҳоят Тошкент партия-хўжалик фаоллари йиғилишида Марказкомнинг биринчи котиби И. Каримов шаҳарда транспорт хизмати ва йўл қурилишини тубдан яхшилаш ҳақида гапириб, эски шаҳарда «таркиб топган уйлар жойлашишини ва асосий кўчалар йўналишини сақлаб қолиш зарур. Ана шу ва бошқа масалаларда биронта ҳам қарор маҳалла комитетларининг фикри ва розилигини инобатга олмай қабул қилинмаслиги керак», деб айтди.

Бу нимадан дарак беради? Республика партия ва ҳукумати халқ эҳтиёжлари ва ҳал бўлмай ётган масалалар билан чиндан шуғулана бошлаганидан, маҳаллалар ҳаётига эътиборни кучайтирганидан далолат беради. Шунга далил сифатида айтишим мумкинки, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби Р. Попов «Қизил Шарқ» маҳалламиз фаолларини қабул қилиб, уларнинг арзларини тинглади ва маҳаллани канализациялашдек ўн йиллардан бери чўзилиб ётган муаммони «ўлик нуқта»дан қўзғатишга аралашди, уни кичик иш деб қарамай ўз назоратига олди. Шундан кейин бу нарсалар маҳалла аҳлининг иштиёқини ўн баравар ошириб юбормайди, улар юрт-эл учун ҳар қачонгидан фаол ҳаракат қилмайдилар, деб ким айта олади.

Албатта, ҳолва деган билан оғиз чучиб қолмайди. Булар дастлабки умидбахш қадамлар холос. Энг муҳими, маҳаллага муносабат ўзгаргани, ўзгараётгани, биз яшайдиган маконга эътибор берила бошлаганида. Бу ўринда маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар ва район кенгашлари актив фаолият кўрсата бошлаганини, «маҳалла» дастуриламали ишлаб чиқилиб, келгуси беш йилликда маҳаллаларни ободонлаштириш юзасидан ҳамма талаб ва эҳтиёжлар ҳисобга олинаётганини табрикламоқ даркор. Чунки «маҳалла» дастуриламалида шаҳардаги ҳар битта маҳаллада газета дўконидан тортиб, болалар боғчаси, дўхтирхоналаргача бор-йўқлиги ҳисобга олинаётир. Унда одамлар яхши яшаши учун ҳамма зарур шароитлар яратишга ҳаракат бор, истак бор. Шу истак сўнмаса бас.

БИЗНИНГ ҳам орзуларимиз бор. Қани эди, ҳар бир маҳалланинг шарқона ҳам замонавий юзини белгилайдиган ўз гузари, йиғилиб Наврўз байрамларини ўтказадиган бир жойи — клубу чойхонаси, чоғроқ бозору расталари бўлса. Эллигинчи йилларда Чўлпон ота гузарини ким кўрган бўлса, яхши билади, унда суту қаймоқ бозоридан тортиб ёймачилар расталаригача, наввойхонасидан тортиб, анҳор бўйига қурилган ёзлик-қишлик чойхоналаригача, газета дўконидан тортиб сартарошхонагача бор эди. Ҳар турли савдо дўконларию расталари ҳамиша очиқ турарди. Бешёгочга олиб борадиган автобус ҳам ўша ердан қатнар эди. Сайловларда, байрамларда дор ўйинлари келиб, гузар сайилгоҳга айланиб кетарди. Энди маҳалла гузарига дор чақирай десанг жой йўқ. Кинохона ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Биз истардикки, меъмор ва лойиҳачиларимиз маҳаллаларга келсалар, оқсоқолларимиз билан суҳбатлашсалар, илгариги гузарларимизни кўрган-билганлардан суриштириб бўлса ҳам замонавий, лекин Шарқ гузари қиёфасини ўзида тўла акс эттирган лойиҳалар тузсалар, керак бўлса, шундай лойиҳалар учун конкурслар ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Маҳалла гузарларини планли равишда қурадиган давр етди.

Яна бир масала. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деймиз. Жуда тўғри гап. Биз халқ ичида ишлаб кўзи пишган маҳалла фаолларининг қадрига унчалик етавермаймиз. Лекин бу жоиз эмас. Чунки уларнинг ичида ишбилармон ва халқнинг кўнглига осон йўл топа оладиган ташкилотчилар кўп. Мен бундай уддабурон ва эл ғамида тиниб-тинчимайдиган, юрт учун лисабилло ишлайдиган кўп одамларни биламан. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқитувчиси, Акмал Икромов район маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси, профессор Саидраҳмон Мирзаев, маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш Тошкент шаҳар кенгашининг раиси, тарих фанлари доктори Қодир Фозилхўжаев, унинг ўринбосари Шукур Темуров, Акмал Икромов районидаги «Янгиобод» маҳалла комитети раиси, математика фанлари номзоди Саттор Алимуҳамедов ва бошқалар маҳалла учун жонини фидо қилиб ишлаётирлар. Уларнинг саъйи-ҳаракатлари билан маҳалла ҳаётига алоқадор жуда кўп масалалар бугунги кунда ўз ечимини топмоқда. Энг муҳими улар халқ билан тиллаша биладилар, одамларнинг юрагига йўл топа оладилар, энг яхши анъаналаримиздан, минг йиллик тарбия усулларимиздан хабардор, кимга қандай муомала қилишни биладиган кишилар. Кези келганда айтиш керакки, биз агар райкомларнинг идеология котиблигига ана шундай халқ ичидан чиққан, одамлар билан тил топиб ишлай оладиган ва маҳалла ишида пишган кишиларни сайласак тарбиявий ишларимиз яна ҳам жонланиб кетган бўлар эди. Мен аминманки, маҳалла фаоллари ичида депутатликка, мафкура ишларини олиб боришга лаёқатли кишилар истаганча топилади.

Ана шундагина ўзбек маҳалламизнинг обрўси яна ҳам ошиб, жамият ҳаётидаги ўрни муносиб даражага кўтарилса ажабмас.

Келгандир очилур чоғинг, азиз маҳаллам?

Муроджон МАНСУРОВ,
ёзувчи.

• Эл соғлиғи — юрт бойлиги



ШИФОБАХШ МАСКАН

Ўзбекистон—Урганч шаҳрининг хушманзара кўчаларидан бири. Оқшом соатлари бу ерда шаҳар кўргазмаси ишлайди. Яқинда шу кўчада шифобахш гиёҳлардан тайёрланадиган ичимликлар маскани очилди. Бу ерда 15 хил турдаги хушбўй ичимлик тайёрланяпти. Шу масканнинг ўзида тиббиёт мутахассисларининг тавсияларини ҳам олиш мумкин:

Суратда: провизор-технолог Зулфия Машарипова лабораторияда.

«НАСТАРИН»

— Тошкент ёғ-мой комбинати ишчи-хизматчилари учун қурилган даволаш-санаторий комплекси шундай деб номланади. Даволаш хоналари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Айниқса, физиотерапия бўлими шифокорлари меҳнатидан ишчилар хурсанд.

Суратда: физиотерапия кабинетида. Шифокор О. Дадеуш тиббий ёрдам кўрсатаяпти.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ суратлари.



МУҲИМ ТУҲФА

• Китоблар оламида

Математика бобокалон фанлардан. У ўз тараққиётида турли даврларни босиб ўтган. XVII асрдан XIX асрнинг ўрталаригача давом этган ўзгарувчи миқдорлар математикасини яратиш даври математика тараққиётида кескин бурилиш ясади. Бу даврда охирги вақтда математик анализ деб аталаётган дифференциал ва интеграл ҳисоб асослари яратилди. Математик анализ математиканинг пойдеворидир. У математиканинг турли билимларига асос бўлибгина қолмай, турли жараёнларнинг математик моделларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Кўпгина олий ўқув юртлари талабалари ўқиш давомида дуч келадиган биринчи жиддий предмет ҳам шу математик анализдир. Ҳатто мактабдаёқ юқори синф ўқувчилари математик анализнинг дастлабки тушунча ва методлари билан танишадилар.

Математик анализ талабаларни аввало муҳим маълумотлар мажмуаси (таърифлар, теоремалар, уларнинг исботи, масалаларни ечиш методлари ва бошқалар) билан таништиради. Шу билан бирга у талабаларни мантиқий фикрлашга, математик маданиятини оширишга ўргатади. Шундай экан, анализ бўйича ёзиладиган ўқув қўлланма ва дарсликларга юксак масъулият юкланади. Тарихан биринчи марта дифференциал ҳисоб асосларини Г. Ф. Лопиталь ўзининг «Чексиз кичик миқдорлар» (1696 йил) деган дарслигида И. Бернулли ўқиган маърузалари бўйича баён этган. Шундан кейин математик анализ бўйича рус ва чет тилларда кўплаб китоблар чоп этилди. Ўзбек олимларидан ярим асрча аввал академик Т. Н. Қори-Ниёзий «Математик анализ асосий курси»ни ёзди. Шундан бери олимларимиз тегишли курсга таллуқли дарслик яратишмаган эди. Аммо илм-фаннинг жадал тараққиёти педагогика институтлари ва дорилфунунлар учун шу тараққиётга мос «Математик анализ» курсини яратишни тақозо этди. Масалага кенгроқ ёндашсак, қайта қуриш муносабати билан қатор математик фанлар бўйича ўзбек тилида дарсликлар яратилиши зарур. Бу соҳада сўнгги йилларда ўзбек тилида математиканинг дифференциал тенгламалар, ҳақиқий ҳамда комплекс ўзгарувчили функциялар, функционал анализ каби соҳалари бўйича оригинал дарсликлар яратилди. Улар республикамиздаги қатор олий ўқув юртларида талабаларга етук билим беришда самарали хизмат қилмоқда. Математик анализ бўйича ўқув йўлланма чоп этилди. Уни етук олимларимиз ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Т. Азларов ҳамда физика-математика фанлари кандидати, доцент Х. Мансуров ёздилар. Мазкур китоб икки қисмдан иборат. Унда барча мавзулар математик қатъиятлилик ва изчиллик, ўзига хос услуб билан ёзилган. Қўлланмани битишда муаллифлар учта муҳим принципга асосланишган: анализ курси талабалар кейинроқ эшитадиган курслар учун асос, замин бўлиши, анализнинг турли татбиқлари кенгроқ очиб берилиши, муҳим тушунча, асосий теоремалар «соддадан мураккабга ўтиш» йўли билан изоҳланиши керак. Қўлланмада адабиётларда етарлича ёритилмаган мавзулар тўлароқ баён этилган. У ёки бу курсларда тўлароқ баён этиладиган мавзулар математик анализ курси учун зарур ҳажмда берилган. Бутун дифференциал ҳисобни баён этиш давомида бир ўзгарувчили ва кўп ўзгарувчили функциялар учун дифференциал ҳисоб масалаларининг қўйилиши ва очилиши орасидаги ўхшашликлар ва тафовутлар яқколроқ таъкидланган.

Қўлланмада терминология масалаларига катта аҳамият берилган, тили равон. Шу боисдан уни ўқиб тушуниш осон. Бу ўз навбатида анчамунча мавзуларни талабалар мустақил ўрганишга тўғри келадиган қайта қуриш даврида муҳим аҳамият касб этади.

Қўлланмада айрим хатолар бор. Агар унда функционал ҳамда оператор тушунчаларининг қўлланиши кенгроқ ёритилса, нур устига нур бўларди.

«Математик анализ» ўқув қўлланмаси ҳар жиҳатдан юқори савияда ёзилган. Қувончлиси, ўзбек талабалар, ўзбек ўқитувчилар ўз муаллифлари ёзган ўқув қўлланмага эга бўлдилар. Бу уларга тақдим этилган муҳим ва бебаҳо туҳфадир.

Т. САРИМСОҚОВ,
ЎзССР Фанлар академияси академиги,
Г. НАСРИДДИНОВ,
профессор,
М. МИРЗААҲМЕДОВ,
доцент, жумҳуриятда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

• Сурат-айбнома

УШОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

«Туя гўшти еган» қурилишнинг бугунги манзараси.

Ангрен шаҳрига келиб ғаройиб ҳолнинг гувоҳи бўлдик. Йирик «Узбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнидаги қурилиш объектида иш куни бўлса-да, бирорта кишини учратмадик. Балки қурувчилар тушликка чиқишгандир, деган хаёл билан соатимизга қарадик. Лекин иш куни энди бошланган вақт экан. Улкан ҳажмдаги бу қурилишда нега ҳеч ким йўқлигини завод раҳбарларидан сўради-гу, уларнинг ҳасратларини очиб юбордик.

Жумҳуриятимиз завод-фабрикаларига жуда зарур бўлган конвейр ленталари ишлаб чиқариши лозим бўлган бу корхона қурилиши 1984 йилдаёқ тугалланиши керак экан. Йилига 3,5 миллион квадрат метр лента ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги бино қурилишига ҳозиргача 27 миллион сўм сарфланди. Қурилишни «Узбекшахтастрой» бунёдкорлари жадал бошлаб объектни қисқа муддатларда фойдаланишга топширишни мақсад қилиб қўйишган эди. Лекин республиканинг тегишли министрликлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Госснаб мутасаддилари ўз вақтида бинокорлик материаллари билан таъминламаганликлари туфайли қурилиш тўхтаб қолди.

Янги корпус ишга туширилса, кунига 500 тонна ноёб маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Унга бўлган талаб фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки бошқа регионларда ҳам жуда катта.

«Очиғи, «Узбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари югурмаган, бош урмаган ташкилотлар эшиги қолмади. Лекин ҳамма жойда «Қурилишни тугатишга ёрдам берамиз» деган ваъда беришдан нарига ўтишмади. Бу вақт ичида эса қурилиш майдонида ачинарли аҳвол юзага келди. Қурилиш материаллари хўжасизларча ҳар ерда сочилиб ётибди, объектнинг айрим қисмлари эса нурай бошлади.

Бу ердаги Облиқ қишлоғи аҳолиси ҳам янги бино қурилиши чўзилаётганидан ташвишга тушмоқда. Негаки, қурилиш ёнидан қатнайдиган йўллар қишда лой билан қопланса, ёзда чангга тўлади.

Иқтисодчилар ҳисобига кўра, агар тегишли ташкилотлар қурилиш материалларини етказиб беролмаса заводнинг янги корпус қурилишини тўхтатиб, уни узоқ вақт консервация қилиш учун 11 миллион сўм керак бўлар экан. Қурилишни тугатиш учун эса 17 миллион сўм пул етади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: Объект қурилиши тўхтатиб турилса, «ушовидан тушови қиммат» бўлмасмикан? Мутасадди раҳбарлар бунга яна бир бор ўйлаб кўришса, айни муддао бўлур эди. Зеро, қурилишдаги аҳволни ўнглашга вақт етди.

М. НАЗАРОВ.
Муаллиф суратлари.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Созловчиларга барча шарт-шароитлар тўла яратиб берилганлиги туфайли Олтиариқ районининг механизаторлари барча техникани мавсумга шайлаб қўйишди. Район бўйича 181 та ҳайдов, 265 та чопик трактори, 266 та культиватор, 185 та сеялка, 2696 та борона ва бошқа техника воситалари созланди.

Т. УМАРОВ.

* * *

Задарё районидаги ремонт ишлаб чиқариш корхонаси коллективи бу ерга келган техника воситаларини тезда ремонтдан чиқариб беришяпти. Шунингдек, хўжаликларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Натижада корхона план ва топшириқларини ҳамиша ортиғи билан уддаламоқда. Илғорлардан Ҳ. Тиркашов, Ҳ. Хўжаев, О. Асқаров, Ю. Жамолиддинов, С. Умаров ва бошқалар бу ишларга муносиб улуш қўшишмоқда.

Н. ТОЖИБОЕВА.

* * *

Пастдарғом районидаги XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси номли колхознинг Бобомурод Дўстмуродов бошлиқ бригадаси коллективи партиямизнинг бўлажак XXVIII съездига муносиб совғалар тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда улар айни кунларда ернинг унумдорлигини оширишга бел боғлашган. Далаларга маҳаллий ўғитлар чиқарилмоқда, ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Ҳозир кунига 12-14 тоннадан нури чиқарилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам эътибор кучайтирилган.

Р. МУҲАММАДИЕВА.

● АСРЛАР ҚАЪРИДАН ТАРАЛГАН ЗИЕ.
● ЭНГ ЯХШИ ОДАТЛАР ВА ФАЗИЛАТЛАР НАМОЙИШИ.
● ГАҲИ ЮЗ ЛУТФУ, ГОҲ ЮЗ НОЗ НАВРУЗ.

● САЙЛБОШИ САЙЛГОҲГА ЧОРЛАЙДИ.
● БИР ЕНДА ШЕЪРХОНЛИК, БИР ЕНДА КУЛГУ,
БИР ЕНДА АСКИЯ, БИР ЕНДА ҚУШИҚ.

НАВРЎЗ—ХАЛҚ БАЙРАМИ

Бу йил атоқли ўзбек олими Ҳоди Зариф туғилганига 85 йил тўлади. Шу муносабат билан унинг архивини кўздан кечирганда, 60-йилларнинг охирида шоғирди Муҳсин Қодиров билан ҳамкорликда ёзилган «Наврўз — халқ байрами» мақоласига дуч келдик.

Мақола Наврўз байрамини ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида ёзилган ва у 1970 йилда нашр этилган «Ўзбек совет фольклори масалалари» тўпламига киритилиши мўлжалланган эди. Аммо турли сабабларга кўра тўпламга кирмай қолди. Мақоладаги бир қатор ғоя ва тавсиялар бугун ҳам эскирган эмас. Ана шуларни ҳисобга олиб, йигирма йилдан кўпроқ вақт илгари ёзилган мақолани газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим кўрдик.

Тўра МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори.

Совет даврида прогрессив халқ анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун кенг йўл очилди. Бироқ социализм қуришда учраган айрим қийинчиликлар, халқ маданий меросини баҳолашда йўл қўйилган баъзи янгилишувлар, нигилистик қарашлар сабабли бундай ажойиб шароит ва имкониятлардан етарли ва тўкис фойдалана олмадик. Бунинг натижасида айрим прогрессив байрам ва маросимлар унутила бошлади.

Модомики, миллий маданиятга муносабатимиз аниқ экан, анъанавий байрамларга ижобий муносабатда бўлишимиз, уларнинг энг яхши томонларини замонамизга мос равишда зийраклик билан танлаб олишимиз, давримиз руҳини, кишиларимиз одоби, билими, маданияти, дунёқараши ва эстетик дидини уларга сингдиришимиз лозим.

Замон ва ҳаётимизга мос ҳолда ривожлантиришимиз лозим бўлган халқ байрамларидан бири Наврўз байрамидир.

Бир қанча вақт Наврўз мусулмонлик билан боғлиқ бўлган диний маросимдир, деган тушунча ҳукм суриб келдики, бу мутлақо тўғри эмас. Тарих шуни кўрсатадики, Шарқдаги кўпгина қадимий халқлар бундан уч минг йил муқаддам ҳам Наврўз байрамини ўтказишган.

Наврўз — халқ байрами, каҳратон қишдан сўнг табиатнинг уйғониши, баҳор келиши, янги ҳаётнинг бошланиши тантанасидир. У кўклам кириши билан деҳқончилик, чорвачилик қизғин тус олган, яйловга қўйлар, далага қўшҳўкиз чиқарилган, катта умидлар билан меҳнатга бел боғланган ажойиб бир пайтга тўғри келади. Фуқаро қишнинг аччиқ совуғи, зах уй ва бадбўй сандаллардан қутилиб очиқ ҳавога чиқади ва эркин нафас олади.

Наврўз одатда 22 мартда бошланиб, бир ҳафта — ўн кун давом этган. Унга тайёргарлик эса анча илгари бошланади. Янги кийим тикилади, ҳовли ва кўча-майдонлар тозаланади, сумалак учун буғдой кўкартирилади. Ҳунармандлар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган асбоб-ускуна, рўзғор асбоблари, кийим-кечаклар тайёрлашда астойдил меҳнат қилиб, байрамни яхши кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Деҳқонлар билан боғбонлар экишни бошлаб, ерни ва дарахтларни парвариш қиладилар.

Байрам кунлари талабалар «Бойчечак» ва бошқа қўшиқларни айтишиб, қавм-қариндошлари, домлаларини табриклаб чиқишади. Қиз-жувонлар яхши кийимларини кийиб, зеб-зийнатларини тақиб, қўлларига хина, қошларига ўсма қўйиб, ҳовлима-ҳовли юриб бир-бирларини табриклайдилар, ўйин-кулги, ашула, базм тузадилар. Одамлар ғамнадоматларини, ташвишларини унутишга ҳаракат қилишади, уришганлар яраша-дилар. Қадр-қиммат, олижаноблик, мурувватлар кучаяди. Касалларни, кекса кишиларни бориб кўриш, кўнглини кўтариш, етим-есирларга ёрдам бериш, «Келин чорлади», «Чақалоқ кўрди» каби одатлар бунга яхши мисол бўла олади.

Сайлгоҳлар қизийди. Бир ёқда палов, бир ёқда кабоб, бир ёқда калла-поча шўрва, бомаза нўхат, қовурилган балиқ, ширапаз-қандолатчиларнинг юз хил ширинликлари, етти хил рангга бўялган тухумлар... Бақоллар, атторлар ва ҳунармандлар расталарида кўзни қамаштирувчи минг бир хил матолар, кийимлар, гиламлар, безаклар, уй-рўзғор анжомлари, ноз-неъматлар қалашиб ётади. Қаерга қараманг, кулоллар, темирчилар ва бешиксозлар ишлаб чиққан ўйинчоқларни кўрасиз, ҳуштаклар, ўйинчоқ сурнайчаларнинг чийчийи ҳаммаёқни қоплайди, осмонда сон-саноқсиз варраклар учади, каптарлар парвоз қилади. Сайлгоҳларда томошалар, санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилади. Халқ кўпкари майдонида, чойхоналардаги бахшилар суҳбатида, аскиячилар ҳангомасида, ҳофиз ва машшоқлар даврасида, масҳарабоз ва қизиқчилар қаҳқаҳахонасида, шоирлар мушоирасида, дорбозлар ўйинида, полвонлар курашида, найрангбозлар томошасида — қўйингки, инсон қобилияти таранну мида бўлиб, олам завқ ва шавқ олади, қувонади, руҳи очилади, унда келажакка умид, ишонч кучаяди. Кечалари базмлар уюштирилиб, санъатчилар яна ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, мушакбозлик бўлади. Наврўзнинг созандалар мусиқаси (бунга — «Наврўзи Ажам» яхши мисолдир), ҳофизлар ашуласи, шоирлар қаламидан тушмай, куйланиб келинганининг боиси ҳам шунда. Жумладан, атоқли шоир ва тарихчи Огаҳий ўз ғазалларидан бир нечасини Наврўз темасини атрофлича ёритишга бағишлаганини кўрамиз. Шундан эътиборингизни Наврўз мазмуни чиройли қилиб акс эттирилган қуйидаги ғазалга жалб этмоқчимиз:

Қилиб ойин меҳр оғоз наврўз,
Келиб қиш фаслин этти ёз наврўз.
Жаҳон сар то қадам файзу сафода
Бўлиб жаннатга таги андоз наврўз.
Ҳамма эл айш базмиға қилиб майл,
Тараб қонунин этти соз наврўз.
Ўзига ҳар киши борича имкон
Бериб юз зийнату пардоз наврўз.
Қилиб маъшуқлар ошиқларига,
Гаҳи юз лутфу, гоҳ юз ноз наврўз.
Олиб ушшоқ ҳам, маъшуқидин ком,
Бўлуб ҳамсуҳбату ҳам роз наврўз.
Бари эл харж этиб нақдини бўлди,
Тараб маҳбубиға дамсоз наврўз.
Нишот асбобиға харж айлар элга,
Жаҳон ганжи ҳам ўлса оз наврўз.
Неча итноб қилсанг айш васфин,
Бўлур, эй Огаҳий, ижоз наврўз.

Байрам мазмуни ва йўналиши халқнинг энг яхши одатлари ва фазилатларини, меҳнатга бўлган муҳаббатини, эстетик дидини, ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик каби ажойиб хислатларини фозилона жамлаш ва ривожлантиришга қаратилмоғи зарур.

Наврўз байрами Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида, район марказларида, тоғ ва чўл яйловларида ташкилий равишда ўтказилади.

Шу нарсани эсда тутиш керакки, ҳар бир халқда, жумладан, қадимий халқлардан бири ўзбекларда ҳам анъанавий байрамлар барча шаҳар ва қишлоқларда бир хил руҳда бўлса ҳам, турлича ўтган. Бу ҳар ернинг шарт-шароити, характерли одатлари ва имкониятларига боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам шундай имконият ва шароитларни, халқ учун қулайлик ва осонликларни эътиборга олиб иш кўриш фойдалидир.

Сайлга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш кўп жиҳатдан жойлардаги партия, совет ва комсомол активларининг ташаббускорлиги, уюшқоқлиги, ғайрати ва ташкилотчилик қобилиятларига боғлиқ.

Арафада мактаблар, маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, саройлар, болалар боғчалари жиҳозланиши, маданий тадбирлар ва бадиий ҳаваскорлик кучайтирилиши, тез-тез конкурслар, кечалар, суҳбатлар, мушоиралар уюштирилиши керак. Кўчалар, майдонлар, боғлар жамоат жойлари байрам тусида байроқлар, шиорлар, илғорларнинг суратлари билан безатилиши, баъзи жойларда санъат кўргазмалари уюштирилиши айни муддао. Қишлоқ хўжалиги техникасини ремонтдан чиқариб шай қилиб қўйиш, кўчат ўтқазиш, матбуот, радио ва телевидение орқали байрам ҳақида суҳбат ва ахборотлар уюштириш, байрамга атаб турли открткалар, шу типда қўшиқлар ва шеърлар, митти ҳикоялар, латифалар, ҳазил-мутойибалар, шунингдек, плакатлар чоп қилдириш ҳам жуда муҳим.

Умумий ғоя ва мақсад асосида ҳамда ҳар жойнинг шароити, халқ ижодкорларининг миқдори, майли ва репертуаридан келиб чиққан ҳолда байрам программаларини тузиш керак. Ташкилотчиларга осон бўлсин учун шаҳарда, район марказида, қишлоқда Наврўз байрамини ўтказишга мўлжалланган намунали программалар ишлаб чиқилса яхши бўлар эди. Биз қуйида оддий бир район марказида мазкур байрамни қандай ўтказиш тўғрисидаги ўз мулоҳазаларимизни баён қилмоқчимиз.

Байрамдан бир кун олдин бинафша, лола, дарахт гуллари, кўкатлар билан чиройли қилиб безатилган жарчи машиналар, карнай-сурнай ва ноғоралар машқи билан марказни ва қишлоқларни айланиб чиқади. Жарчи микрофон орқали қизиқ сўзлар билан эрта байрамлигини ва қисқача сайл программасини халққа эълон қилади. Машинадаги ясаниб, гуллар тақиб олган ҳаваскор артистлар наврўз, баҳор,гул, ёшлик, меҳнат, тинчлик, дўстлик мавзуларида тайёрланган қўшиқ, ялла лапар, рақс ва декламацияларини намойиш қиладилар. Оркестр садолари остида ҳар хил рангли таклифномалар сочилади.

Кўм-кўк майсалар билан қопланган сайлгоҳ. Ҳамма ёқ баҳор, гуллар тасвири, хурсандчиликка, хандага, ўйин ва томошага даъват этувчи турли мазмундаги шиорлар, кўрсаткичлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва қўшиқлар ёзилган плакат ва тахталар, гиламлар, сўзаналар билан безанган, қатор-қатор савдо чодирларида кўнгил истаган ғазлама, буюм, нозу-неъматни топиш мумкин. Бир томонда миллий ширинликлар (ҳалво, қандолот, нишолда, хўрозқанд манпаса, новвот каби), бир томонда хилма-хил нонлар (ширмой, патир, лочира, кулча, қатма-қат, совғойи каби) сотувчи дўконлар. Ҳар ер-ҳар ерда ўйинчоқхоналар, гулхоналар, мантихона, сомсахона, паловхона, лағмонхона, кабобхона, турнақатор ошхоналар. Чит, сатин, атлас, бахмал кўрпачалар тўшалган қўчма чойхоналар. Ҳар бир чойхонанинг ўз санъатчилари бўлиб, улар созини ва овозини қайраб туради. Марказроқ жойда аскиячилар чойхонаси, баланд-баланд сўриларда аскиячилар тўп-тўп бўлиб, аскиядан чимдим-чимдим олиб туришибди. Алоҳида ажратилган «Болалар майдончаси», «Ёшлар майдончаси», «Мўъжизахона», «Томошахона» кўзга ташланади. Ҳар жой-ҳар жойда эстрада саҳналари.

Сайлбоши байрамни очиқ деб эълон қилади. Қайноқ ҳаёт бошланади. Гулчилар, ошпазлар, чойхоначилар, новвойлар, ширапазлар, ўйинчоқфурушларнинг қўли-қўлига тегмай кетади. Томошахоналар, ўйин майдонлари ишга тушиб кетади. Радио карнайлари қаерда нима бўлишини билдириб туради. Одамлар ўзи истаган томошани бориб кўра олади.

Асосий томоша майдонида томошалар қуйидагича бориши мумкин. Аввал саралланган спортчилар, гимнастлар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар. Улардан кейин саралланган бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг аъзолари концерт беради. Сўнг маҳаллий халқ театри ўзининг наврўзга атаган программасини кўрсатади. Навбат полвонларга келади. Миллий кураш, самбо чиқишлари бўлади. Голибларга гулдаста, қийиқча, дўппи каби соврин-мукофотлар бериб турилади. Курашдан кейин аския мусобақаси бошланади. Улар кўпроқ гул, баҳор, уйланиш, ошпазлик, пахтачилик мавзуларида тортишадилар.

Аския орасида қизиқчиларнинг чиқиши бўлади. Аския ва қизиқчилик кетидан дор ўйини бошланади. Дорбозлар аввал симдорда, сўнг катта дорда, охирида чиғириқда хилма-хил ўйинлар кўрсатишади. Дор тагида масхарабозлик, ёғоч оёқ ўйинлари ҳам бўлади. Кейин зўр мушакбозлик бошланади. Сайл охирида бирлашган хор чиқади. Сайлбошининг ҳаммага сиҳат-саломатлик, меҳнат зафарлари тилаши билан байрам тугайди. Ноғора, карнай-сурнай садолари остида одамлар тарқала бошлайдилар.

Байрамнинг иккинчи кунини оилада, дўстлар даврасида, корхонада, колхоз ва совхозда ўтказиш мумкин. Бундай ўтириш, кеча, учрашув ёки базмларда ҳар ким ўз қобилияти, билими, топқирлиги, донолигини намойиш қилади. Иккинчи кун асосан ташаббускорлик ва бадиҳагўйлик негизида ўтади.

Наврўз байрами яхши ташкил этилса ва чинакам кўнгилли, қувноқ, мазмунли ўтказилса, меҳнаткашларга яхши кайфият, жўшқинлик, самимийлик, олам-олам завқ, илҳом, ғайрат бағишлайди. Деҳқоннинг чеҳраси гулгун бўлиб, дон сочади, чигит экади. Ишчи янада зўр шижоат ва матонат билан ўзининг севимли меҳнатига берилади. Зиёлининг кифтидан илҳом париси тушмайди. Санъаткорнинг сози янада оҳангдор, янада мазмунли жаранглайди. Чинакам халқ байрами — Наврўзни давримизга мос ҳолда нишонлаш ва маданий ҳаётимизга сингдириш ҳар бир зиёлининг шарафли ва жонажон ишидир.

Ҳоди ЗАРИФ,
Муҳсин ҚОДИРОВ.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозининг Н. Ҳамдамов бошлиқ бригадаси деҳқонлари Наврўзни меҳнат байрами сифатида нишонлашга аҳд қилишди. Улар ўтган йили ҳар гектар майдондан пландаги 31 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил олишганди. Шуниси қувончлики, аввалги Наврўз куни 40 гектар майдонда янги мевали боғ яратилганди. Бу Неъматжон Ҳамдамов бошлиқ бригада даласига нўрк бағишлади. Айни кунларда боғда дарахтларга шакл бериш, парвариш ишлари авжида.

Суратда: илғор ишчи А. Тошмемиров.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

● ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

«Чаманзор»да боғча

Наманган шаҳар ижроия комитети ходимлари хайрли ташаббус бошлашди. Янги замонавий 9 қаватли уйнинг биринчи қаватида 49-болалар боғчасининг филиали очилди. Тарбиячига эса қўшни хона ажратилди. Эндиликда «Чаманзор» уй-жой массивидаги болаларнинг 12 нафари шу боғчага қатнаётир.

Шаҳарда болалар муассасалари қурилиши бўйича икки йиллик режа тузилган. Яқин келажакда 61 та мактабгача болалар муассасаси қурилади.

Суратда: болалар боғчасида.

А. КОВТУН сурати (ЎзТАГ)

АХБОРОТ

ЕШ СОЗАНДАЛАР УЧУН

Ёш созандалар ва уларнинг ота-оналари скрипка учун ёзилган асарлар ўқув тўпламини сотиб олиш учун баъзан дўконма-дўкон роса югуришларига тўғри келади.

Дўконлар пештахтасида бундай тўпламлар ҳар замонда бир пайдо бўлиб қолади. Шу асарларнинг грампластинкаларга ёзилган тўпламлари эса мутлақо йўқ. «Мелодия» Бутуниттифоқ фирмасининг Тошкент студияси болалар мусиқий таълимидаги бу камчиликни тўлдиришга қарор қилди. Унинг павильонларида болалар музика мактаблари учун бутун ўқув скрипка репертуари пластинкаларга ёзиб бўлинди. Куйларни Имант Коциньш раҳбарлигидаги Ўзбекистон Давлат симфоник оркестри билан халқаро конкурслар лауреати Михаил Безверхний ижро этди. Бешта дискда Роде, Шпор, Виотти, Зейтц концертлари ва пьесалари ёзилган. Бу, бизнинг мамлакатимизда ёш скрипкачилар учун чиқарилган дастлабки шундай тўпламдир.

МАХСУС ПРОГРАММА АСОСИДА

Термез районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида араб ёзувини ўргана бошлашди. Бу ерда 25 киши пулли курсларга қатнаяпти.

Ўқитиш республика «Билим» жамиятида ишлаб чиқилган махсус программа асосида олиб борилмоқда. Машғулотларни Тошкент дорилфунунини битириб чиққан филолог-шарқшунос Э. Ҳаитов ўтказмоқда. Жуда кўпчилик араб имлосини ўрганиш истагини билдирди. Шу курсни ташкил қилишда ташаббус кўрсатган район «Билим» жамияти бошқа хўжаликларда яна учта ана шундай группа очишни режалаштирмоқда.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФЛИК БИРЛАШМАСИ

АЗИЗ ДЎСТЛАР!
«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНО МАКТАБИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

Ўқишга таклиф қилади

КИНОРЕЖИССЕР, КИНОДРАМАТУРГ, КИНООПЕРАТОР, КИНОРАССОМ, КИНОБАСТАКОР, КИНОШУНОС, КИНОДЕКОРАЦИЯ РАССОМИ, КИНОСУРАТ РАССОМИ, КИЙИМЛАР КИНОРАССОМИ, КИНОПАРДОЗ РАССОМИ, КИНОФИЛЬМ ПРОДЮСЕРИ, КИНООВОЗ ОПЕРАТОРИ, КИНОҲИСОБЧИ ВА КИНОИҚТИСОДЧИ. ҲАР БИР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР КИШИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало инсонларга хос бўлган ноёб фазилатларга, қолаверса, мушоҳадакор, қиёфага, юксак савияга, ўзларининг маънавий оламларига, ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини ҳам мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари) мажбурийдир.

Ўқишга ёши 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноусталари таклиф этилади. Шунингдек мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг киноинститутлари, киномактаблари ва киностудияларида ўқчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» Олий кино мактаби «Ўсарфильм» муаллифи Саид Ўсар Бекнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустахонасидир.

Талабаларга ойига 200 сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари «Ўсарфильм» муаллифлик бирлашмасининг ижодий-ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пуллари бериб борилади.

«Ўсарфильм» Олий кино мактабининг талабалари ўқиш давомида иккита 45 минутлик қисқа ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва 1,5 соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий кино мактабини битирган талабаларга эгаллаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм»га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатларини ўтказиш ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари, яъни: 7—8 апрель, 5—6 май, 2—3 июнь, 30 июнь ва 1 июль, 4—5 август, 1—2 сентябрь кунлари соат 12 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 ОКТЯБРИДАН бошлаб ўзбек тилида олиб борилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛ.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари. Сиз саҳналаштирган спектакларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга ола келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларни «Ўсарфильм»га топширмаган ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси, 2 дона 9×12 см, 2 дона 4×6 см, 2 дона 3×4 см. ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат.

«Ўсарфильм» Олий кино мактаби ўзининг бўлғуси иқтидорли талабаларини интиқлик билан кутади...

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи»: 700000, Инқилоб хиёбони (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси (Техника уйи). Телефон 32-01-29.

СССР Сув хўжалиги министрлиги Бутуниттифоқ раҳбар ходимлар малакасини ошириш институтининг ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИ Суғориш системаларидан фойдаланиш ва уларни тузатиш кафедрасининг **мудири ва доценти** (техника фанлари номзоди) **вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Конкурс муддати — 5 мартгача.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги низомга мувофиқ филиал жойлашган қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700128, Тошкент шаҳри, Парашютная кўчаси, 17-уй.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда «Ёш физиологияси ва мактаб гигиенаси» кафедрасининг доценти Р. С. Каримовга отаси

Салим КАРИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси диктор, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Қ. Тожиевга онаси

Соҳиба МИРМУСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетининг Чет элларга радиоэшиттириш коллективи хатлар бўлими бошлиғи А. Х. Ҳўжаевага онаси

Алсия ХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР УЧУН

Ўзбекистон Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги Математика институтида «Улуғбек номидаги иқтидорли ёшлар ва мураббийларни қўллаб-қувватлаш жамғарма»сининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Математика, Химия институтлари, Ўрта Осиё «Агрохимия» ассоциацияси, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент давлат дорилфунуни, Тошкент политехника институти, «Ўзбекгеология»га қарашли гидрогеология ва инженерлик-геологияси институти бошлаган ушбу хайрли ишда 50 дан ортиқ давлат, жамоат ташкилотлари, илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, ишлаб чиқариш, бирлашма корхоналари, ширкатлар ва уюшмалар вакиллари қатнашдилар.

Таъсис мажлисда ЎзССР Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси, математика институти директори Т. Жўраев, Тошкент политехника институти ректори, профессор А. Жалилов, «Совет мактаби» журнали бош муҳаррири, профессор Ж. Икромов, «Ўзбекгеология»га қарашли гидрогеология ва инженерлик геологияси институти директори У. Умаров ва бошқалар мазкур жамғарманинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Жамғарманинг илмий раҳбари этиб, ЎзССР Фанлар академияси академиги, математика институти директори Т. Жўраев сайланди.

Н. МАМАДАЛИЕВ.

● ФАКТ ВА ШАРҲ

... МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ

Фарғона ўлкашунослик музейи томошабинлари эътиборига янги кўргазма-буюм ҳавола этилди.

Тўққиз қисмдан иборат бу қадимий туркум буюмни юксак санъат намунаси, деб аташ мумкин. Мутахассислар фикрига кўра, эман дарахтидан ўймакорлик услубида тайёрланган бу мебель моҳир рус усталари томонидан ишланган. У XIX аср охирларида Фарғона область генерал-губернатори саройига келтирилган эди. Гарнитур узоқ вақт саройнинг кўрки бўлиб турган.

Улуғ Октябрь инқилобидан сўнг мазкур гарнитур-мебель мусодара этилиб, халқ мулкига айланди. Аммо баъзи сабабларга кўра, тарихий-бадиий қимматга эга бўлган бу анжом область партия комитети биносида қолиб кетди. Яқин-яқинларгача ҳам ана шу ҳашамдор мебель область коммунистлари раҳбари кабинетида турарди.

Ниҳоят, вақт-соати етиб, бу ноёб тарихий буюм ўлкашунослик музейига топширилди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● *Спорт*

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮКСАК МАРРА

Швеция пойтахтида ўтказилган халқаро мусобақада хизмат кўрсатган спорт мастери, тошкентлик Радион Гатаулин яна зафар қучди. Бу сафар у лангар билан сакрашда 580 сантиметрли маррани эгаллади.

СУЗИШ:

МАҲОРАТ КЎРСАТИБ

Москвада ўтказилаётган СССР чемпионатида спортчилар сузишнинг турли усулларида маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Таниқли спортчи, собиқ жаҳон рекордчиси, тошкентлик Сергей Заболотнов ўзини кўрсатди. У 100 метрга чалқанча сузишда 56,57 секундли натижа билан ғалаба қозонди.

ФУТБОЛ:

МАВСУМ БОШИДА

Олий лига командалари СССР кубоги ва мамлакат чемпионати ўйинларини бошлашди. «Динамо» (Тбилиси) ва «Гурия» (Ланчхути) коллективлари фақат Грузия чемпионатида иштирок этадилар. Шу боис, олий лигада 14 команда баҳс юритади. Мавсум охирида сўнгги ўринда қолган коллективнинг биринчи лигага ўтиши ва биринчи лигада фахрли ўринларни эгаллаган уч командани олий лигага йўлланма олиши каби баҳсли масалалар муҳокама қилинмоқда.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Театр

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/III да **Концерт**, 3/III да **Ака-ука совчилар**, 4/III да **Кампир кетармиш.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01140. № 52. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12